БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 205 (3177) | Сешанба, 19 октябрь 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ XVII СЪЕЗДИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVIII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

1. Ўзбекистон Компартиясининг навбатдаги XVII съезди 1966 йил 3 мартда чақирилсин.

2. Съезднинг қуйидаги кун тартиби тасдиқлансин:

1) Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисобот доклади — докладчи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ш. Р. Рашидов.**

2) Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг ҳисобот доклади — докладчи Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг раиси ўртоқ **К. К. Каримов.**

3) Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясига сайловлар.

3. Ўзбекистон Компартияси XVII съездига вакиллар сайлашнинг қуйидаги нормалари белгилансин: партиянинг 250 аъзосидан ҳал қилувчи овоз билан бир делегат ва партия аъзолигига 250 кандидатдан маслаҳат овози билан бир делегат.

4. Ўзбекистон Компартиясининг XVII съездига ва КПСС XXIII съездига делегатлар, КПСС Уставига мувофиқ, область партия конференцияларида ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Совет Армияси, ички ва конвой соқчилиги ҳамда чегара қисмлари партия ташкилотлари ҳисобида турган коммунистлар делегатларни область партия конференцияларида бошқа партия ташкилотлари билан биргаликда сайлайдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1965 йил 18 октябрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XVIII пленуми бўлиб ўтди. Пленум қуйидаги масалаларни муҳокама қилди:

1. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг якунлари ва республика партия ташкилотининг саноатни бошқаришни яхшилаш, планлаштиришни такомиллаштириш ва саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш соҳасидаги вазифалари.

2. Ўзбекистон Компартиясининг навбатдаги XVII съездини чақириш тўғрисида.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми ишида область партия комитетларининг иккинчи секретарлари, меҳнаткашлар депутатлари область Советлари ижроия комитетларининг раислари, область партия-давлат контроли комитетларининг раислари, шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари, Ўзбекистон ССР министрлари ва давлат комитетларининг раислари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети аппаратининг масъул ходимлари, республика газеталари ва журналларининг редакторлари қатнашдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов пленумнинг кун тартибидаги биринчи масала юзасидан доклад қилди.

Музокараларда қуйидаги ўртоқлар сўзга чиқдилар: Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашининг раиси А. Р. Хўжаев, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари А. Ҳ. Ҳайдаров, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов, Тошкент тўқимачилик комбинатининг директори З. А. Абдуллаев, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов, Ўзбекистон ССР қурилиш министри С. И. Иброҳимов, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов, Ўзбекистон касаба союзлари советининг секретари И. Муҳиддинов, Ўзбекистон ССР Госпланининг раиси С. К. Зиёдуллаев, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари С. Н. Усмонов, Урта Осиё темир йўлининг бошлиги А. М. Қодиров, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. М. Маҳмудов, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари С. Асомов, Бухоро область партия комитетининг иккинчи секретари П. О. Чекин, Фарғона область партия комитетининг секретари Ҳ. Умаров, Сурхондарё область партия комитетининг иккинчи секретари В. П. Кузьмин.

Пленум КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларини якдиллик билан маъқуллади ва қарор қабул қилди. Бу қарорда республика партия ташкилотининг саноатга раҳбарликни яхшилаш соҳасидаги конкрет вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми Ўзбекистон Коммунистик партиясининг навбатдаги XVII съездини чақириш тўғрисида ҳам қарор қабул қилди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СЕНТЯБРЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ САНОАТНИ БОШҚАРИШНИ ЯХШИЛАШ, ПЛАНЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ИҚТИСОДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVIII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленуми КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг «Саноатни бошқаришни яхшилаш, планлаштиришни такомиллаштириш ва саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида»ги қарорини қизғин маъқуллайди ва оғишмай бажариш учун қабул қилади.

Пленум шуни қайд қиладики, саноат ишлаб чиқаришига хўжалик раҳбарлигини такомиллаштириш юзасидан партия ишлаб чиққан тадбирлари турмуш, коммунистик қурилиш тажрибаси тақозо этди ва бу тадбирлар СССР да коммунизмнинг моддий-техника базасини тезликда вужудга келтиришнинг туб манфаатларига муносибдир. Бу тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши Совет давлатининг иқтисодий куч-қудратини янада юқори поғонага кўтаради, халқ фаровонлигини янада ўстиришни таъминлайди, ишчилар билан деҳқонлар иттифоқини тобора кўпроқ мустаҳкамлайди, коммунистик қурилиш вазифаларини тағин ҳам муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беради.

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини бажара бориб, мамлакат экономикасини ривожлантиришда янги-дан-янги муваффақиятларга эришди.

Республика меҳнаткашлари етти йиллик планни муваффақиятли бажаришга салмоқдор ҳисса қўшмоқдалар. Партия ва ҳукуматнинг тинмай қилаётган ғамхўрлиги ва бошқа иттифоқдош республикалар халқларининг қардошларча жуда катта ёрдами туфайли Ўзбекистон мамлакатнинг энг йирик индустриал марказларидан бирига айланди. Етти йилликда саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1,8 баравар ўсади, химия саноати ишлаб чиқарадиган маҳсулот 2,7 баравар, ёқилғи саноатининг маҳсулоти 2,8 баравар, машинасозлик ва металл ишлаш саноатининг маҳсулоти 3,2 баравар, бинокорлик материаллари саноатининг маҳсулоти 3,3 баравар, рангли металлургия саноатининг маҳсулоти 6,6 баравар кўпаяди. Саноатга сарф қилинаётган капитал маблағ олдинги етти йилликдагига нисбатан 3 баравар ортди ва қарийб 3 миллиард сўмни ташкил этди. Бу эса, асосий ишлаб чиқариш фондларини 2,5 баравар ошириш имконини берди.

Республика саноати эришган муваффақиятлар ишчилар, инженер-техник ходимлар, олимлар буюк ижодий меҳнатининг натижаси, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг зўр ташкилотчилик ва тарбиявий ишлари натижасидир.

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети мart Пленуми(1965 йил) қарорларини амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида анча катта муваффақиятларга эришдилар. Бу йил сув таҳқислигининг оғир шароитларида КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматининг жуда катта ёрдами туфайли, пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозирги вақтда ҳамма жойда етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

Республика пилла, қорақўл тери, тухум тайёрлаш, умумиттифоқ фондига сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари етказиб бериш планини бажарди.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми саноатни ривожлантириш даражаси ва суръатларини ошириш, халқнинг моддий фаровонлигини янада юксалтириш ва миллий даромадни ўстириш соҳасида совет экономикасининг олдида турган муҳим вазифалар саноатдаги мавжуд резервлардан тўла фойдаланиш учун барча имкониятларни сафарбар қилишни талаб этади, деб таъкидлади. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарасини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, техника тараққиётини жадаллаштириш, сарфланадиган капитал маблағларнинг самарасини ва асосий ишлаб чиқариш фондларини кўпайтириш, иқтисодий тежашга қаттиқ риоя қилиш, исрофгарчилик ва ўринсиз харажатларни йўқотиш ва бу вазифаларни ҳал этишда меҳнаткашларнинг ижодий ташаббусини бутун чоралар билан ривожлантириш ана шундай асосий вазифалардандир.

Аммо, КПСС Марказий Комитетининг Пленуми таъкидлаб ўтганидек, бошқаришнинг мавжуд ташкилий структураси, планлаштириш ва саноатда иқтисодий рағбатлантириш методлари ҳозирги давр шароитларига ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасига жавоб бермайди.

Ҳаддан ташқари чегаралаб қўйиш натижасида корхоналар коллективларининг ташаббуси чеклаб қўйилмоқда, хўжалик раҳбарларининг ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш учун жавобгарлиги пасаймоқда. Корхоналар етарли даражада ҳуқуқларга эга бўлмаганликлари ва юқоридаги планлаштирувчи органлар ҳамда хўжалик органларининг корхоналарнинг майда-чуйда ишларига ҳам аралашишлари натижасида ишлаб чиқаришнинг юксак рентабеллиги ва маҳсулотнинг сифатини яхшилаш учун курашнинг энг самарали методи бўлган хўжалик ҳисобидан суст фойдаланилмоқда.

Саноат корхоналари ходимларини моддий жиҳатдан рағбатлантиришга етарли эътибор берилмаётганлиги уларни иқтисодий кўрсаткичларни, маҳсулотнинг сифатини ва корхона ишининг умумий якунларини яхшилашдан суст манфаатдор қилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг саноатни бошқаришнинг территориал принципи баъзи ижобий томонлари бўлиши билан бирга катта-катта нуқсонларга ҳам эгадир, деб чиқарган хулосаларини якдиллик билан маъқуллайди. Саноатни бошқаришнинг тармоқ принципидан четлашиш тармоқларга раҳбарлик даражасини пасайтиришга, техника ривожланишини бузишга, малакали кадрларни сочиб юборишга олиб келди, бошқаришнинг кўп поғонали системасини вужудга келтирди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССРда иттифоқ-республика ва республика министрликларини, бошқармаларни ҳамда хўжалик раҳбарлигининг бошқа органларини тузиш билан боғлиқ бўлган барча ташкилий масалаларни қисқа вақт ичида ҳал этишни ва республика саноатини бошқариш органлари тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этишни топширади.

Янгидан ташкил қилинадиган саноатни бошқариш органларини юқори малакали мутахассислар, ишлаб чиқаришнинг моҳир ташкилотчилари билан таъминлашга тааллуқли ҳамма масалаларни тўғри ҳал этиш, тугатиладиган хўжалик органлари кадрларидан мақсадга энг мувофиқ фойдаланиш ва бунда корхоналарни раҳбар кадрлар билан мустаҳкамлаш зарур эканлигини кўзда тутиш керак.

Пленум министрликлар, идоралар, бошқармалар, корхоналарнинг, илмий-тадқиқот, конструкторлик ва лойиҳалаш ташкилотларининг раҳбарларидан саноат ишлаб чиқаришини тез суръатлар билан ривожлантириш ва унинг самаралилигини ошириши, меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан ўстириш, ишлаб чиқариш фондларидан энг яхши фойдаланишни таъминлашни талаб этади.

Саноатнинг ҳамма тармоқларида фан ва техниканинг энг янги ютуқларини кенг жорий қилиш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, маҳсулотнинг ассортиментини кўлайтириш, сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш чораларини кўриш зарур. Давлат ва ишлаб чиқариш интизомини жиддий суратда мустаҳкамлаш, ҳар бир ходимнинг топширилган иш учун жавобгарлигини ошириш керак.

Корхоналарнинг ҳуқуқлари анча кенгайтирилган бир шароитда министрликлар ва республика саноатини бошқарувчи бошқа органлар раҳбарликда иқтисодий методларни маъмурий функциялар билан моҳирона бирга қўшиб олиб боришлари, ишлаб чиқаришни бошқаришдаги демократик асосларни ривожлантиришлари, иккабошчиликни коллегиячилик билан тўғри қўшиб олиб боришлари, корхоналарнинг майда-чуйда ишларига ҳам аралашишдан воз кечишлари лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми республика Госпланига, министрликларига ва саноатни бошқарувчи бошқа органларга экономикага планли раҳбарликни доим такомиллаштириб боришни, планлаштиришнинг илмий савиясини оширишни топширади, токи, халқ хўжалик планларида илмий-техника тараққиёти перспективалари эътиборга олинсин, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини тез суръатлар билан жорий қилиш ва ўзлаштириш кўзда тутилсин. Планларни тузган вақтда социализмнинг иқтисодий қонунларига қаттиқ риоя қилиш, ишлаб чиқарувчи кучларнинг тўғри жойлаштирилишини, республика халқ хўжалигининг айрим тармоқларини ривожлантиришда тўғри пропорциялар бўлишини таъминлашда ҳамда куч ва маблағларни энг кам сарфлаган ҳолда кўпроқ саноат маҳсулоти олишнинг таъминлаш ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришга яхши таъсир қилди.

Лекин шу нарсани тўппа-тўғри айтиш керакки, ўртоқлар, саноат соҳасидаги муваффақиятларимиз таққослаб бўлмаслик даражада тағин ҳам кўпроқ бўлиши мумкин эди. Фойдаланилмасдан ётган резервларимиз кўп. Саноат ишлаб чиқаришини бошқаришнинг тармоқ принципи бузилганлиги мана шу резервларни субъективизмни таг-томири билан йўқотиш зарур.

Ўзбекистон ССР Госплани, министрликлар ва бошқармалар саноат тармоқлари ўртасида кооперативлаштиришни янада ривожлантириш учун саноат корхоналарининг мавжуд имкониятларидан тўла фойдаланишлари лозим.

Хўжалик ва маданий қурилиш масалаларида иттифоқдош республикалар ҳуқуқларининг кенгайтирилиши планлаштириш, пул билан таъминлаш, капитал қурилиш масалаларини, меҳнат ва иш ҳақи масалаларини тўғри ва мақсадга энг мувофиқ ҳал этиш учун совет ва хўжалик органлари зиммасига катта жавобгарлик юклайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми область, шаҳар, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларини меҳнаткашларга кенг тушунтиришни, партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органларининг бутун кучини Пленум қарорларини ва етти йилликнинг тугалловчи йили топшириқларини муваффақиятли бажаришга сафарбар қилишни топширади.

Пленум коммунистларни, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларини КПСС нинг XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришга чақиради.

* * *

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми қаттиқ ишонч билдириб айтадики, партия ташкилотлари, республиканинг барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми ишлаб чиқаётган тадбирларни муваффақиятли бажариш учун бутун куч ва ижодий ғайратларини сарф қиладилар ва мамлакатимизда коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА САНОАТНИ БОШҚАРИШНИ ЯХШИЛАШ, ПЛАНЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ИҚТИСОДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленумида 1965 йил 18 октябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. ЛОМОНОСОВ доклади

КПСС Марказий Комитетининг шу йил 27—29 сентябрда бўлиб ўтган Пленуми партия ва совет халкининг ҳаётида жуда катта воқеа бўлди. Пленум «Саноатни бошқаришни яхшилаш, планлаштиришни такомиллаштириш ва саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида» ва «КПСС нинг навбатдаги XXIII съездини чақириш тўғрисида» қорар муҳим масалаларни кўриб чиқиб, ҳал қилди.

Ҳозирги вақтда партиямиз экономикани ривожлантириш проблемаларига биринчи даражада эътибор бераётганлигини, халқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг улуғ Ленин ишлаб чиққан принципларини оғишмай амалга ошираётганлигини КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми яна бир марта яққол кўрсатди.

Саноатни бошқаришни яхшилаш, планлаштиришни такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришни иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш соҳасида КПСС Марказий Комитетининг Президиуми ишлаб чиққан, Пленумда маъқулланган ва СССР Олий Совети Комитети пленуми ишида область партия комитетларининг иккинчи секретарлари, меҳнаткашлар депутатлари область Советлари ижроия комитетларининг раислари, область партия-давлат контроли комитетларининг раислари, шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари, Ўзбекистон ССР министрлари ва давлат комитетларининг раислари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети аппаратининг масъул ходимлари, республика газеталари ва журналларининг редакторлари қатнашдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов пленумнинг кун тартибидаги биринчи масала юзасидан доклад қилди.

Музокараларда қуйидаги ўртоқлар сўзга чиқдилар: Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашининг раиси А. Р. Хўжаев, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари А. Ҳ. Ҳайдаров, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов, Тошкент тўқимачилик комбинатининг директори З. А. Абдуллаев, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов, Ўзбекистон ССР қурилиш министри С. И. Иброҳимов, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов, Ўзбекистон касаба союзлари советининг секретари И. Муҳиддинов, Ўзбекистон ССР Госпланининг раиси С. К. Зиёдуллаев, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари С. Н. Усмонов, Урта Осиё темир йўлининг бошлиги А. М. Қодиров, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. М. Маҳмудов, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари С. Асомов, Бухоро область партия комитетининг иккинчи секретари П. О. Чекин, Фарғона область партия комитетининг секретари Ҳ. Умаров, Сурхондарё область партия комитетининг иккинчи секретари В. П. Кузьмин.

Пленум КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларини якдиллик билан маъқуллади ва қарор қабул қилди. Бу қарорда республика партия ташкилотининг саноатга раҳбарликни яхшилаш соҳасидаги конкрет вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми Ўзбекистон Коммунистик партиясининг навбатдаги XVII съездини чақириш тўғрисида ҳам қарор қабул қилди.

САНОАТНИ ТЕЗ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ТЎЛИҚРОҚ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

КПСС Марказий Комитетининг Президиуми бу масалани Пленумда қўйганлиги саноат ишида бирор узилиш ёки муваффақиятсизликлар рўй берганлигини аслё билдирмайди. Йўқ, мамлакатимизнинг индустрияси муваффақиятли равишда ривожланмоқда, социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари соғлом ва маҳкам негизда ўсиб бормоқда. Бу йил тамомланаётган етти йилликни бажариш давомида саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми анча кўпайди, унинг структураси яхшиланди, энг прогрессив тармоқлар илдам суръатлар билан ўсиб бормоқда. Фанимиз ва техникамизнинг муваффақиятларига бутун дунё тан берди.

Етти йиллик йиллари мобайнида халқ моддий фаровонлигининг даражасини ошириш соҳасида катта тадбирлар амалга оширилди. Аҳолини кўпгина истеъмол буюмлари билан таъминлаш яхшиланди. Уй-жой ва маданий-маиший қурилиш ғоят ривожлантирилди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари коммунизм қуриш умумий ишига бутун совет халқи билан бирга салмоқдор ҳисса қўшмоқдалар.

Индустриямиз, айниқса унинг етакчи тармоқлари кейинги йилларда тез суръатлар билан ривожланиб борди. Бутун саноатда ишлаб чиқариш ҳажми етти йиллик мобайнида қарийб 1,8 баравар ошади. Аммо, химия саноатида шу давр ичида ишлаб чиқариш ҳажми 2,7 баравар, ёқилғи саноатида 2,8 баравар, машинасозлик ва металл ишлаш саноатида 3,2 баравар, бинокорлик материаллари саноатида — 3,4 баравар, рангли металлургия саноатида 6,6 баравар кўпаяди. Электр энергия ишлаб чиқариш 2,5 баравар ошади. Саноат ишлаб чиқаришининг тармоқ структурасида жиддий сифат ўзгаришлари рўй берди.

Газ саноати етти йил ичида жуда ҳам ўсиб кетди. Шу муносабат билан ёқилғи балансининг структураси ҳам бутунлай ўзгарди. Ёқилғи балансида ҳозир табиий газнинг салмоғи етти йиллик арафасидаги 4 процент ўрнига 52 процентга етди.

Саноатнинг ҳамма тармоқлари янги техника билан тўхтовсиз қуроллантирилмоқда. Индустриямизнинг техника даражаси ҳозирги куннинг ўзидаёқ шундай маррага кўтарилдики, бу нарса электровакуум, чала ўтказгич, электрон ва радиотехника асбобларини, турли мураккаб машиналар, станоклар ва механизмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга имкон берди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳақиқатан ҳам жуда катта қурилиш майдони бўлиб қолди.

Асосий ишлаб чиқариш фондларимиз анча тўлдирилди ва янгиланди. Диққатга сазовор бўлган шундай бир фактни айтиб ўтиш керак: Етти йиллик давомида республикада ҳар ҳафтада битта корхона ёки йирик ишлаб чиқариш ишга туширилиб турди. Ишга туширилган корхоналар орасида Олтинтопган полиметалл комбинати, Навоий химия комбинати ва Фарғонадаги азотли ўғитлар заводи, Бухоро—Тошкент, Бухоро—Урал газ қувурлари, Тошкент, Навоий ва Тахиатош давлат район электростанциялари Газлидаги газ конлари ва бошқа йирик иншоотлар бор.

Ўзбекистонда қудратли ва тамомила замонавий қурилиш индустрияси барпо қилинди.

Етти йиллик топшириқларини саноат муваффақиятли бажариб борганлиги пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришга яхши таъсир қилди.

Лекин шу нарсани тўппа-тўғри айтиш керакки, ўртоқлар, саноат соҳасидаги муваффақиятларимиз таққослаб бўлмаслик даражада тағин ҳам кўпроқ бўлиши мумкин эди. Фойдаланилмасдан ётган резервларимиз кўп. Саноат ишлаб чиқаришини бошқаришнинг тармоқ принципи бузилганлиги мана шу резервларни ишга солишга кўп жиҳатдан тўсқинлик қилди.

Етти йиллик йиллари мобайнида республикада социалистик қурилишнинг бундан олдинги жамики йилларидагига қараганда бир ярим баравар кўп ишлаб чиқариш фондлари ишга туширилди. Лекин кўпинча бу фондлардан тўла ҳажмда фойдаланилмаётир.

Бир қанча тармоқларда ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги, ускуналар ишининг смена коэффициенти пастлиги баъзан янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишга қўшимча маблағлар сарфлашга мажбур этмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси саноат ишлаб чиқаришини ва республика миллий даромадини ўстириш суръатларини бирмунча пасайтиришга олиб келмоқда.

Ўзбекистон мамлакатнинг асосий пахта базаси ва пилла етиштириб бераётган катта район эканлиги маълум. Республикамиз сабзавот, қовун-тарвуз, мева, узум, гўшт, сут, жунни ҳам кўп миқдорда етиштириб бермоқда. Хуллас, республикада енгил саноатни ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш учун мустаҳкам хом ашё базаси бор. Бироқ, шу тармоқларни ўстириш суръатлари мавжуд имкониятлардан анча орқада қолмоқда.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Олтинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси бугун эрталаб соат 10 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида очилади.

Депутатлар эрталаб соат 9 дан бошлаб Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида рўйхатга олинадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети оқсоқоллар кенгашининг мажлиси бугун соат 9 дан 30 минут ўтганда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА САНОАТНИ БОШҚАРИШНИ ЯХШИЛАШ, ПЛАНЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ИҚТИСОДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Бунинг асосий сабаби, шуки, ҳатто шу тармоқларни ривожлантириш учун ажратилган ва унчалик етарлик бўлмаган маблағлар йилдан-йилга ўзлаштирилмасдан қолиб келди. Кўн саноатида, ип газлама, ипакчилик, гўшт ва сут саноати тармоқларида капитал маблағларни ўзлаштириш айниқса қониқарсиз бормоқда.

Янги саноат объектларини ишга тушириш учун белгиланган муддатлар бузилаётганлигига, берилган капитал маблағлар систематик равишда ўзлаштирилмай қолаётганлигига кўп ҳолларда аввало шу нарса сабаб бўлмоқдаки, қурилиш-монтаж ишларини ташкил этиш даражаси пасайиб кетди. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида тайёрлаб берилмаётир ва бу ҳужжатларнинг сифати қониқарли эмас, заказчилар янги қурилишларни зарур нарсаларнинг ҳаммаси билан ўз вақтида таъминламаётирлар.

Ишга туширилган ишлаб чиқаришлар секин ўзлаштирилмоқда, бу эса капитал маблағларнинг берадиган самарасини камайтириб юбормоқда ва оқибат натижада катта нобудгарчиликларга олиб келмоқда.

Фан ва техника муваффақиятларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилиш йўллари КПСС Марказий Комитетининг Пленумида ҳар томонлама муҳокама қилинди. Бу — актуал масалаларнинг биридир, чунки коммунизм қурилиши авж олдирилган даврда фан-техникани тараққий эттиришнинг роли беқиёс ошаверади.

Етти йиллик йиллари мобайнида Ўзбекистонда корхоналарни энг янги техника билан қуроллантириш, фан муваффақиятларини ишлаб чиқаришга жорий этиш соҳасида анча иш қилинди. Бизнинг халқ хўжалигимизда уч мингдан кўпроқ катта илмий техника тадбирлари амалга оширилди. 800 тадан кўпроқ участка ва цех комплекс механизациялаштирилди, янги машиналар ва механизмларнинг, асбоблар ва материалларнинг 300 га яқин намуналари яратиб берилди, шу жумладан қишлоқ хўжалиги учун иш унуми юксак бўлган машиналарнинг 60 хили яратиб берилди.

Эндиликда бизнинг республикамиз мамлакатнинг энг катта илмий марказларидан бўлиб қолди. Республикамиздаги 142 та илмий-тадқиқот муассасаларида ва 30 дан кўпроқ олий ўқув юртларида 15 мингдан зиёд илмий ходим, шу жумладан 300 та фан доктори ва 3,4 мингта фан кандидати ишлаб турибди. Булар фан-техника тараққиётини янада ривожлантириш ишига салмоқдор ҳисса қўшиши лозим бўлган жуда катта кучдир.

Шу билан бирга, шуни айтиб ўтиш керакки, айрим илмий-тадқиқот институтлари ва лабораториялари ишлаб чиқариш билан ҳали ҳам яхши боғланган эмас ва улар ишининг бераётган самараси унчалик сезиларли бўлмаётир.

Илмий ташкилотлар таклиф этган ишларни жорий қилиш ишлаб чиқариш ходимларининг айби билан орқага сурилаётганлигини кўрсатувчи ҳоллар ҳам оз эмас.

Янги машиналарни, прогрессив усулларни ва илғор технологияни яратиш ва жорий қилиш жараёни жуда чўзилиб кетмоқда. Бунинг сабаби шуки, биринчидан, илмий техникавий кучлар бир-биридан ажралган ҳолда ишламоқда, иккинчидан эса, тадқиқот ва конструкторлик ишларининг натижаларини кўриб чиқиш жуда кўп босқичдан ўтадиган бўлиб қолган. Ў ёки бу янгилик тўғрисида мустақил равишда ўзининг узил-кесил қарорини чиқара оладиган ва шу янгиликни ишга солиш учун йўлланма берадиган битта ҳам ташкилот ҳозир йўқ деса бўлади.

Мавжуд системанинг нотўғрилигини магистрал ирригация каналларини яхлит бетонлаш учун ишлатиладиган машиналарнинг намуна нусхаларини яратиш мисолида ҳам кўрсатиб бериш мумкин. Бу машиналарга доир илмий эксперименталь тадқиқот ишларини ўтказишни ва шу машиналарни ишлаб чиқишни Қурилиш ва йўл машинасозлиги давлат комитети планлаштириб берди, шу машиналарнинг тажриба нусхаларини ясаш муддатларини СССР Госземводхоз белгилаб берди, шу машиналарни бутловчи буюмларни етказиб бериш тўғрисидаги нарядларни СССР Халқ хўжалиги кенгаши ёзиб берди, ижрочи эса — Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши бўлиши керак эди. Шундан бери орада икки йил ўтиб кетди. Аммо, «Андижанирмаш» заводи шу вақтгача мазкур машинанинг битта ҳам тажриба нусхасини тайёрлаб бера олмади.

Ишлаб чиқаришни ва илмий техника ишларини бир органда бирлаштириш фан муваффақиятларини жорий қилишдаги камчиликларни йўқотишга имкон беради ва ягона техника сиёсати ўтказиш имкониятини туғдиради.

Партиямиз ва Совет ҳукумати тинмай ғамхўрлик қилаётганликлари, мамлакатимизнинг барча халқлари қардошларча ёрдам бериб турганликлари туфайли Ўзбекистонда бундан бусғи беш йиллик давомида республика халқ хўжалигининг барча тармоқларини жадал ривожлантирмоқ учун бутун шарт-шароит вужудга келтирилди.

Қилинган дастлабки ҳисобларга қараганда, 1970 йилда республикада саноат маҳсулоти чиқариш 1965 йилнинг планидагига нисбатан қариб икки баравар кўпайтирилади. Индустриямизнинг энг прогрессив тармоқлари энергетика, химия, нефть чиқариш ва газ саноати, рангли металлургия ва машинасозлик айниқса тез суръатлар билан ривожлантирилади.

Шу йиллар мобайнида республикада ишга туширилмоқчи бўлган янги энергетика қувватларининг ўзигина Совет Иттифоқидаги электр станцияларининг 1930 йилдаги жамики қуввати-дан ошиб кетади. 1970 йилга бориб химия саноатининг маҳсулот ишлаб чиқариш беш баравар кўпаяди, машинасозлик маҳсулоти ишлаб чиқариш икки баравар ошади, рангли металлургия маҳсулотини чиқариш икки баравардан зиёдроқ ва табиий газ чиқариш 2 баравардан зиёдроқ кўпаяди. Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати тез суръатлар билан ривожлантирилади.

Саноатнинг тез ривожланиб бориши хўжаликка раҳбарлик қилиш соҳасида янги, оширилган талаблар қўяди. Ошган вазифалар планлаштириш системасини ва саноатни бошқаришни янада такомиллаштиришни, саноат ишлаб чиқаришини жадал ривожлантирмоқ учун иқтисодий рағбатлантириш воситаларининг ҳаммасидан айниқса тўлиқ фойдаланишни қатъий талаб қилмоқда, КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларига мана шу вазифаларга тўла равишда мос бўлиб тушди.

ПЛАНЛАШТИРИШНИ ЯХШИЛАШ, САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ИҚТИСОДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ВА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРАЛАРИ

Ҳозирги вақтда амалга оширилаётган хўжалик ислоҳоти экономикамизни ривожлантиришда кенг маҳаллий ташаббускорликни ва омманинг ижодий активлигини ишга солиб, марказлаштирилган раҳбарликнинг етакчилик родига асосланмоқда. Биз давлат томонидан ўтказиладиган планлаштиришнинг илмий даражасини оширишимиз, халқ хўжалигини ривожлантириш планларида энг самарали пропорцияларни ва боғланишларни, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг берадиган самарасини оширишни кўзда тутишимиз лозим. Корхоналарнинг хўжалик ишларидаги мустақиллигини кенгайтириш планлаштиришни такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Корхона ишининг барча асосий кўрсаткичлари шу вақтгача «юқоридан» берилган планда белгилаб берилар эди. Жуда кўп миқдорлари кўрсаткичларни «юқоридан» планлаштириб бериш корхона ходимларининг ижодий ташаббусини бўғиб қўяди.

Янги системага кўра, планда юқори ташкилотлар томонидан тасдиқланадиган кўрсаткичларнинг сони жуда камайтирилади. Корхоналарга фақат реализация қилинадиган маҳсулотнинг ҳажми, шу маҳсулотни асосий номенклатура бўйича қанча тайёрлаб бериш, иш ҳақи фонди, олинадиган фойданинг миқдори ва рентабеллик даражаси, бюджетга тўланиладиган тўловлар ва бюджетдан ажратиладиган маблағлар миқдори тасдиқлаб берилади. Бундан ташқари, марказлаштирилган тартибда бериладиган капитал маблағларнинг ҳажми, ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва асосий фондлар, янги техникани жорий қилишга доир энг муҳим топшириқлар ва моддий техника таъминотининг кўрсаткичлари белгилаб берилади.

Хўжалик фаолиятининг бошқа ҳамма кўрсаткичларини, шу жумладан ходимларнинг сонини, меҳнат унумдорлигини, ўртача иш ҳақини, маҳсулот таннархини ҳар бир корхона юқори ташкилотлардан тасдиқлатмай, ўзи мустақил планлаштираверади, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқарувчи корхоналар эса маҳсулотнинг хилини ҳам ўзлари мана шундай мустақил равишда планлаштираберади. Бундай тартиб корхоналарнинг ишлабчиқаришни ўстиришдан ва ишлаб чиқариш техникасини такомиллаштиришдан, маҳсулот сифатини муттасил яхшилаб боришдан ва рентабелликни кўпайтиришдан манфаатдорлигини оширади.

Маълумки, ялпи маҳсулот кўрсаткичи корхонадаги ишларнинг ҳақиқий аҳволини акс эттирмас эди, ишлаб чиқаришни ўстиришга ва чиқарилаётган маҳсулотлар сифати учун кураш олиб боришга рағбатлантирмас эди. Эндиликда корхоналарнинг ишига баҳо берадиган янги кўрсаткич реализация қилинган маҳсулотнинг ҳажмидан иборат бўлиб қолади. Бу эса, ҳар бир коллективни фақат юқори сифатли маҳсулот чиқаришга мажбур қилади, акс ҳолда маҳсулотни реализация қилиш планини бажариш катта қийинчиликка учраши турган гап.

Бундай нотўғри практика корхонанинг ёмон ишлаётганлигини никоблаб қўяди, корхоналар коллективини довдиратиб қўяди, ишлаб чиқаришни ўстиришга ёмоқ таъсир қилади. Тасдиқланган планларни бажаришни уюштира олмаганликлари учунгина бу планларни камайтиришга интилаётган айрим хўжалик раҳбарлари бизда ҳали ҳам бор. Юқори ташкилотлар эса, уларнинг ноғорасига ўйнайдилар.

Перспектив планлаштириш ишимизда ҳам катта камчиликлар бор. Корхоналарнинг катта қўпчилигида фақат йиллик планларгина тузилади. Вақоланки, ишлаб чиқаришни узоқ даврга мўлжаллаб тўғри ташкил этиш учун корхоналар коллективларининг қўлида бир қанча йилларга мўлжалланиб тузилган планлар бўлиши керак. Шу сабабли, энг муҳим топшириқларни йилма-йил тақсимлаб беш йиллик план тузиш ҳар бир завод, фабрика, конда ишлаб чиқаришни планлаштиришнинг асосий формаси қилиб қабул қилинди.

Ҳам йиллик, ҳам перспектив халқ хўжалик планлари синчиклаб ишлаб чиқилган техника-иқтисодий ҳисоб-китобларга асосланиши лозим. Халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришда керакли пропорцияларни белгилаб олишга, бу пропорциялар тўғри келмай қолганида, уларни ўз вақтида топиб, тўғрилаб олишга имконият берадиган баланс методини янада такомиллаштириш ҳозирги кунда планлаштириш ишида катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш кўзда тутилмоқда, бу эса планлаштириш ишларини яхшилашга анча ёрдам беради.

Бундай шароитда республика Госплани олдида катта ва масъулиятли вазифалар туғилади. У, экономиканы ривожлантиришни илмий планлаштиришнинг чичакам штаби бўлиб қолиши: ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини чуқур ишлаб чиқиши, илмий жиҳатдан асосланган халқ хўжалик планларини тузиб бериши ва шу планларнинг бажарилишини муттасил текшириб туриши лозим.

Корхоналарни иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш ва корхона ишининг натижаларини яхшилашдан ходимларнинг шахсий моддий манфаатдорлигини оширишдан иборат. Бу тадбирлар корхонанинг ишлаб чиқаришини ва техника-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашдан шахсан моддий манфаатдор бўлишига алоҳида аҳамият берилади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми моддий рағбатлантиришнинг вужудга келган практикасини ўзгартиришни зарур деб топди ва шундай тартиб белгилаб берди, шу тартибга кўра, ҳар бир корхона иш ҳақи фондига эга бўлиш билан бирга, илғорлар шахсан эришган муваффақиятлар учун ва корхона ишининг ялпи юксак натижалари учун илғорларни мукофотлашга ишлатиладиган ўз манбаига ҳам эга бўлади.

Шу мақсадда ҳар бир корхона ўзи олган фойданинг бир қисмини ходимларни моддий рағбатлантириш учун белгиланган махсус фондга ажратиб қўяди. Бу фондининг миқдори тўла равишда корхонанинг ишига — реализация қилинган маҳсулот ҳажмининг кўпайишига, олинаётган фойданинг кўпайишига ва рентабеллик даражасига боғлиқ бўлади.

Шундай бир нарсани айтиб ўтиш керак. Корхона ва унинг ходимлари асосан планни ошириб бажарганликлари учун рағбатлантирилаётган ҳозирги вақтда улар юксакроқ план топшириқлари белгиланишидан манфаатдор эмаслар. Янги тартибда план ошириб бажарилганлиги учун рағбатлантириш тариқасида бериладиган пулнинг миқдори планлаштирилган кўрсаткичларга эришилганлик учун тўланадиган пулнинг миқдорига нисбатан камроқ бўлади. Демак, корхона ўзининг ички ишлаб чиқариш резерврларини ўзи ўз вақтида топиб, ишга тушира беради, анча каттароқ план топшириқларини ишлаб чиқиб, қабул қилаберади.

Моддий рағбатлантириш фондининг миқдори янги маҳсулотнинг салмоғига ва маҳсулот сифати оширилганлиги учун унинг нархига қўйиладиган устамалардан корхона олаётган қўшимча даромадларнинг миқдорига боғлиқ бўлиб қолади. Корхона юқори сифатли янги маҳсулотни нақадар кўп чиқара берса, у моддий рағбатлантириш фондига шу қадар кўп маблағ ажратиши мумкин бўлиб қолади, бинобарин, план кўрсаткичларининг ҳаммасини муттасил яхшилаб боришдан коллективнинг манфаатдорлиги оша беради. Бундай корхонада ишчилар мукофотларни бутун йил давомида олиш билан бирга, йил охирида ҳам бир йўла мукофот оладиган бўлиб қоладилар.

Ҳамма корхоналарда социалмаданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фонди ҳам вужудга келтирилади. Бу фондининг миқдори ҳам вужудга келтирилади. Бу фондининг миқдори ҳам ишлаб чиқариш кўрсаткичларига бевосита боғлиқ бўлади. Корхона ўз фонди ҳисобидан марказлаштирилган тартибда берилган капитал маблағлар билан қуриладиган уй-жой биноларидан ташқари уй-жой бинолари қурилиши, болалар муассасалари, пионер лагерлари, дам олиш уйлари, санаторийлар ва пансионатлар қурилиши ва сақланиши, коллективнинг бошқа социал-маданий эҳтиёжларини ҳам қондириб бориши мумкин.

Саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий рағбатлантиришнинг Марказий Комитет Пленуми маъқуллаган янги формалари ва чоралари нархларни белгилаш системасини тубдан яхшилашни талаб қилади. Янги шароитда маҳсулот сифатини, чидамлилигини ва пишиқлилигини ошириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишда нархлар муҳим ва таъсирчан иқтисодий воситага бўлиб қолиши лозим. Эндиликда корхонанинг ҳар бир ходими ўзининг шахсий фаровонлиги ўзига, ўзининг ижтимоий ишлаб чиқаришга қўшаётган ҳиссасига тўла равишда боғлиқ эканлигини амалда яққол кўриб туради. Демак, ишлаб чиқаришдаги ҳар бир ходим муттасил ижодий активлик ва ташаббускорлик кўрсата беради, корхона ишининг ялпи натижаларини яхшилашгамини ея беради.

САНОАТНИ БОШҚАРИШНИ ЯНГИЧА ТАШКИЛ ЭТИШ

1957 йилдан бошлаб саноат халқ хўжалиги кенгашлари орқали иқтисодий районлар доирасида бошқариладиган бўлиб қолди. Халқ хўжалиги кенгашлари майда корхоналарни бирлаштириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш, машина-ускуналарни ремонт қилишни ташкил этиш, асбоблар ва заготовкалар ишлаб чиқаришни марказлаштириш соҳасида муайян ижобий иш қилди.

Бироқ, вақт ўтиши билан саноатни бошқаришнинг мавжуд системасида мамлакат экономикасини янада ривожлантиришга ҳалақит берувчи жиддий нуқсонлар пайдо бўла бошлади. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми саноатни бошқаришнинг территориал принципидан тармоқ принципига ўтишни ва саноатнинг тармоқлари бўйича иттифоқ-республика ва умумиттифоқ министрликларни тузишни мақсадга мувофиқ деб топди. Бу тадбир бизнинг совет экономикамизни яхлит экономика бўлиши лозим деб ўйлаган, бутун мамлакат миқёсида экономиканинг яхлитлигини, совет республикаларининг яқиндан иқтисодий алоқа қилишини зарур деб ҳисоблаган В. И. Ленининг такрор-такрор айтган кўрсатмаларига тамомила мос келади.

Ҳозир мамлакатимизда ишлаб чиқариш тармоқларига раҳбарлик қилиш соҳасидаги барча ҳуқуқларга эга бўлган ва бу тармоқларни ривожлантириш учун тўла жавобгар бўлган саноат министрликлари тузилмоқда. Ишлаб чиқаришни планлаштириш ва унга раҳбарлик қилиш, техника тараққиёти ва моддий техника таъминоти, маблағ билан таъминлаш, меҳнат ва иш ҳаки масалаларини ҳал этиш — буларнинг ҳаммаси битта тармоқ органига марказлаштирилади. Тармоқ илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари ҳам министрликлар ихтиёрига топширилади.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларига мувофиқ республикамизда саноатни бошқаришнинг қуйидаги республика органларини тузиш кўзда тутилади.

а) иттифоқ-республика саноати бўйича:

Енгил саноат министрлиги;

Пахта тозалаш саноати министрлиги;

Озиқ-овқат саноати министрлиги;

Гўшт ва сут саноати министрлиги;

Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги;

Қишлоқ хўжалиги машиналарини ремонт қилишни ташкил этиш, асбоблар ва заготовкалар ишлаб чиқаришни марказлаштириш соҳасида муайян ижобий иш қилди.

Бироқ, вақт ўтиши билан саноатни бошқаришнинг мавжуд системасида мамлакат экономикасини янада ривожлантиришга ҳалақит берувчи жиддий нуқсонлар пайдо бўла бошлади. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми саноатни бошқаришнинг территориал принципидан тармоқ принципига ўтишни ва саноатнинг тармоқлари бўйича иттифоқ-республика ва умумиттифоқ министрликларни тузишни мақсадга мувофиқ деб топди. Бу тадбир бизнинг совет экономикамизни яхлит экономика бўлиши лозим деб ўйлаган, бутун мамлакат миқёсида экономиканинг яхлитлигини, совет республикаларининг яқиндан иқтисодий алоқа қилишини зарур деб ҳисоблаган В. И. Ленининг такрор-такрор айтган кўрсатмаларига тамомила мос келади.

Ҳозир мамлакатимизда ишлаб чиқариш тармоқларига раҳбарлик қилиш соҳасидаги барча ҳуқуқларга эга бўлган ва бу тармоқларни ривожлантириш учун тўла жавобгар бўлган саноат министрликлари тузилмоқда. Ишлаб чиқаришни планлаштириш ва унга раҳбарлик қилиш, техника тараққиёти ва моддий техника таъминоти, маблағ билан таъминлаш, меҳнат ва иш ҳаки масалаларини ҳал этиш — буларнинг ҳаммаси битта тармоқ органига марказлаштирилади. Тармоқ илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари ҳам министрликлар ихтиёрига топширилади.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларига мувофиқ республикамизда саноатни бошқаришнинг қуйидаги республика органларини тузиш кўзда тутилади.

а) иттифоқ-республика саноати бўйича:

Енгил саноат министрлиги;

Пахта тозалаш саноати министрлиги;

Озиқ-овқат саноати министрлиги;

Гўшт ва сут саноати министрлиги;

Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги;

Бинокорлик материаллари саноати министрлиги;

Энергетика ва электрлаштириш министрлиги;

Геология министрлиги;

Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги;

Химия саноати бошқармаси;

Балиқ хўжалиги бошқармаси;

Моддий техника таъминоти бош бошқармаси;

«Фергананефть» бирлашмаси;

«Бухаранефть» бирлашмаси;

«Ўзбекуголь» комбинати;

б) республика саноати бўйича:

Маҳаллий саноат министрлиги.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашини, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ихтисослаштирилган совхозлар, консерва ва виночилик саноати давлат ишлаб чиқариш комитети ҳамда республика Министрлар Советининг илмий тадқиқот ишларини координациялаш давлат комитетини тугатиш таклиф қилинади.

Саноат тармоқлари бўйича министрликлар, бошқармалар ва бирлашмаларнинг тузилиши — халқ хўжалиги кенгашлари системасига қадар бўлган эски системага шунчаки қайтиб қўйқолишни мутлақо билдирмайди. Ҳозирги тармоқ бошқармаси, биринчидан, планлаштириш ва корхоналарнинг иқтисодий фаолиятига баҳо беришнинг янги принципларига асосланиб, иккинчидан, ҳам бошқаришни марказлаштиришни янада ривожлантириш, ҳам иттифоқдош республикалар ҳуқуқларини ва корхоналарнинг маъмурий-хўжалик мустақиллигини кенгайтиришга асосланиб қурилмоқда.

Бошқаришни яхшилаш ва саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш юзасидан амалга оширилаётган тадбирларнинг жуда катта аҳамияти шундаки, бу тадбирлар давлат йўли билан ягона планлаштиришни корхоналарнинг тўла хўжалик ҳисоби билан, марказлаштирилган тармоқ бошқармасини кенг маҳаллий хўжалик ташаббускорлиги билан, яккабошчилик принципини ишлаб чиқариш коллективлари ролини ошириш билан қўшиб олиб боришни таъминлайди. Бу чоралар бошқаришнинг демократик принципларини янада ривожлантириб, оммани ишлаб чиқаришни бошқаришга яна ҳам кенгроқ қатнаштириш ва корхонанинг иқтисодий иш натижаларига омма ўтказадиган таъсирни кучайтириш учун иқтисодий шарт-шароитларни яратиб беради.

САНОАТГА ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми белгилаб берган жанговар программани амалга ошириш область, шаҳар ва район партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг зўр ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб боришини талаб қилади.

Аввало, саноат ходимларига, барча меҳнаткашларга Марказий Комитет Пленуми қарорларининг моҳияти ва аҳамиятини чуқур тушунтириб бермоқ керак. Оммага ғоявий таъсир ўтказишнинг барча форма ва воситалари — лекция пропагандаси, оғзаки ва кўргазмали агитация, матбуот, радио, телевидение ана шу вазифани бажаришга хизмат қилдирилиши керак. Бу ишга экономистлар, плановиклар, корхона ва министрликларнинг раҳбарларини жалб этиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Коммунистларнинг партия маорифи тизимидаги назарий билим олиши коммунистик қурилишнинг КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумида муҳокама этилган туб проблемаларини ҳал қилиш билан боғлаб олиб борилишига алоҳида эътибор бермоқ керак.

Ҳозирги вақтда тармоқ саноат министрликлари, бошқармалари ва бирлашмаларини тузиш билан боғлиқ ишларнинг ҳаммасини қисқа муддатларда, ҳеч кечиктирмай, лекин пухта ўйлаб тузилган планга мувофиқ уюшқоқлик билан ўтказишнинг аҳамияти катта.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари ҳозирги вақтда саноат корхоналари фаолиятига қонунлиликни кучайтиришлари, уларга зарур ёрдамни беришлари, ҳар бир корхонанинг нормал ишлашини таъминлашлари лозим.

Янги шароитда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалалари алоҳида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биз тутатилаётган бошқарув органларидаги кадрлар тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз, уларни ишнинг кўзини билган ҳолда жой-жойига қўйишимиз, ударнинг ҳар бирига ўз билими, тажрибаси ва ташкилотчилик қобилиятларига қараб ўзига лойиқ ишни топиб беришимиз керак, токи ҳамма ходимлар комил ишонч билан ишлайдиган бўлсин.

Янги хўжалик органлари аппаратига кадрлар танлаётган вақтда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг ленинча принципларига қатъий амал қилиб ҳар бир ходимни фақат унинг сиёсий ва ишчанлик фазилатларига қараб баҳолаб керак. Раҳбар махсус ва иқтисодий билимларни чуқур билиши, янгиликни илиб ола билиши, ишни омилкорлик билан режали олиб бориши ҳозир айниқса муҳим бўлиб қолди.

Бундай одамлар бизда кўп, Ўзбекистон партия ташкилоти ишлаб чиқаришнинг ажойиб ташкилотчилари бўлган минглаб кишиларни тарбиялаб етиштирди ва вояга етказди. Бу одамларнинг аксарияти ғоявий чиниққан, ҳалол, ишлаб чиқаришни яхши биладиган, Ленин партиясига чексиз садоқатли кишилардир.

Одамларни танлаган ва жой-жойига қўйган вақтда биз кекса ва ёш кадрларнинг усталик билан фойдаланишимиз лозим, одамларни шундай танлаб одайликки, кекса кадрларнинг ҳаёт тажрибаси, маҳорати ёш ходимларнинг куч-ғайрати ва ташаббускорлиги билан, ударнинг кекса авлод тажрибасини ўзлаштириб олишга интилиши билан тўлдириб борилсин.

Ҳозир кадрларимизни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан, уларнинг билимлари ва ишчанлик малакаларини ошириш юзасидан бир қанча тадбирларни амалга ошириш лозим. Область, шаҳар ва район партия комитетлари, министрликлар ва идоралар инженер-техник ходимлар ва хўжалик кадрларининг, шунингдек партия, совет активларининг иқтисодий билим олишларини ташкил этишлари керак.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қўйган талаблар муносабати билан область, шаҳар ва район партия комитетларининг роли ва масъулияти ортиб бормоқда. Янги шароитда саноатга партия раҳбарлиги тагин ҳам конкретроқ ва малакалироқ бўлмоғи керак. Область, шаҳар ва район партия комитетлари кадрларни тўғри танлаб ва жой-жойига қўйишни таъминлаш билан бирга партия ва ҳукумат директивалари ижросини контроль қилиш ва ташкил этиш практикасини такомиллаштирсинлар, партия, совет ва хўжалик аппаратининг барча бўғинларидаги ходимларни ўз бурчига ижодий муносабатда бўлиш руҳида тарбияласинлар, улардан ишлаб чиқаришни ташкил этишда давлат манфаатларини кўзлаб ёндошишни талаб қилсинлар. Партия комитетлари хўжалик раҳбарларининг ўрнини босмаганлари ҳолда асосий эътиборни одамлар билан ташкилотчилик иши олиб боришга, уларни коммунистик руҳда тарбиялашни кучайтиришга қаратишлари керак.

Саноат министрликлари ва идораларининг партия ташкилотлари дастлабки кунларданоқ ўзларига муносиб юксак ролни эгаллашлари, актив ҳаракат қилишлари, ҳамма ишда ишчанлик ва принципиаллик кўрсатишлари учун биз зарур бўлган ҳамма ишларни қилишимиз лозим. Улар аппарат ишини такомиллаштиришга актив таъсир ўтказишлари, ходимларни топширилган иш учун юксак масъулият руҳида тарбиялашлари, давлат интизомини мустаҳкамлаш чораларини кўришлари, бюрократизм ва сансалорликка қарши кескин кураш олиб боришлари керак.

Совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг кишиларни тарбиялашдаги ролини оширишимиз, саноат корхоналарининг иши учун уларнинг жавобгарлигини кучайтиришимиз, уларнинг ишлаб чиқаришга яқинроқ бўлишига, коллективларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига чуқур кириб боришларига, меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишларига эришишимиз керак.

* * *

Саноатни бошқаришни такомиллаштириш соҳасида катта иш олиб бориш билан бир вақтда биз жорий хўжалик вазифаларига эътиборни бўшаштирмай, бу вазифаларни ҳам ҳал қилиб боришимиз лозим. 1965 йил жуда масъулиятли йил эканлигини назарда тутмоқ керак. Бу йил етти йиллик тугалланади. Бинобарин, етти йилликни юксак кўрсаткичлар билан якунлаш бизнинг бурчимиздир.

Республика саноати умумий муваффақиятли ривожланиб боряпти. Лекин биздаги кўпгина корхоналар ҳали ҳам ишлаб чиқариш планларини бажармаяпти, паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқараяпти. Вазифа шундан иборатки, уларни тезроқ қолоқликдан чиқариб олиб илғор корхоналар даражасига кўтариш, ҳар бир корхонанинг ишлаб чиқариш планларини барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича сўзсиз бажаришини таъминлаш керак.

Биз капитал қурилиш суръатларини жадаллаштиришимиз, бу йилги капитал маблағларнинг тўла-тўкис ўзлаштирилишига, қурилаётган барча объектларнинг ўз вақтида ишга туширилишига эришмогимиз керак, транспорт ва алоқанинг барча турлари ишини яхшилаш, фан, маданият, халқ маорифи ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш планларининг бажарилишини таъминлаш ҳам зарур.

Бу йил республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари учун қийин йил бўлди. Лекин, КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларидан руҳланган деҳқонларимиз бу қийинчиликларни бартараф этиб мўл пахта ҳосили етиштирдилар ва ҳозир улар шаҳарликларнинг ёрдами билан пахтани теришга ва давлатга сотиш ишларини муваффақиятли суратда олиб бормоқдалар.

Шу бугунга қадар давлат омборларига 3 миллион 197 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Бу — давлат планининг 88,5 процентини ташкил этади. Ўтган йилнинг шу давридагидан 1 миллион 50 минг тонна ёки 26 процент кўп пахта тайёрланди.

Киров, Ўзбекистон, Оржоникидзе, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Бўка, Калинин, Ғузор, Чироқчи, Шаҳрисабз, Норпой, Ғаллаорол, Хатирчи, Бўз, Задарё, Янгиариқ, Қамаши, Шўрчи, Хазорасп, Шовот районларининг меҳнаткашлари ҳозиргача пахта тайёрлаш йиллик плани бажарилганлиги тўғрисида рапорт бердилар. Пойтахт Тошкент областимиз республикада биринчи бўлиб план ва социалистик мажбуриятни шараф билан бажарди. Юзлаб илғор хўжаликларимиз, минглаб бригада ва звеноларимиз шонли маррага етдилар. Хоразм, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё, Сирдарё областлари ва Қорақалпоғистон меҳнаткашлари пахта териш ва тайёрлашда юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Пахта тайёрлаш илғорларимизни, пахта фронтидаги шонли пешқадамларимизни ажойиб муваффақиятлари билан сизларнинг номингизда қизғин табриклашга ва республиканинг барча пахтакорларига пахта тайёрлаш планини тезроқ тугаллашларини чин кўнгилдан тилашга рухсат бергайсиз, ўртоқлар.

Биз ёғингарчилик ва изғиринлар бошланмасдан аввал ҳамма жойда ҳосил йиғим-теримини тугаллаш учун барча чораларни кўришимиз лозим. Улуғ Октябрь байрамига қадар социалистик мажбуриятни бажариб, Ватанга камида 3 миллион 630 минг тонна «оқ олтин» бериш бизнинг бурчимиздир.

Бугун совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида КПССнинг XXIII съездини мислсиз эўр меҳнат ва сиёсий кўтаринкилик билан кутиб олмоқда.

Республика меҳнаткашларининг юзлаб коллективлари съезд шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, етти йиллик планни муддатидан олдин бажариш юзасидан қўшимча мажбуриятлар олмоқдалар. Ҳозир кўпгина коллективлар келгуси беш йиллик ҳисобига ишламоқдалар.

Ўзбекистон партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларининг муваффақиятли суратда амалга оширилишини таъминлайди, янги хўжалик ислоҳотини уюшқоқлик билан ўтказади, оммани ижодий активлигини тағин ҳам авж олдириб юборади, етти йилликнинг тугалловчи йили халқ хўжалик планларининг сўзсиз бажарилишига эришади, барча шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларини партиямиз XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун фидокорона курашга сафарбар этади, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсиз. (Қарсаклар).

ЕТТИ ЙИЛЛИК МАРРАГА ЕТМОҚДА

СССР САНОАТИ 1965 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИ ИЧИДА

Саноат ходимлари етти йилликнинг охирги йилини муваффақиятли равишда тугаллай бориб, 1965 йилнинг III квартал ва тўққиз ойлик планини муддатидан олдин бажардилар. Тўққиз ойлик план саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми бўйича ва буюмларнинг энг муҳим турларининг кўпчилиги бўйича умуман СССР да ва барча иттифоқдош республикаларда тўла бажарилди. СССР Марказий статистика бошқармасининг ахборотида ана шулар ҳақида хабар қилинади.

Тўққиз ой мобайнида саноат маҳсулотининг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8,9 процентни ташкил қилди. 1964 йилда шу давр ичидаги ўсиш 7,3 процент бўлган эди.

Айрим саноат тармоқларининг маҳсулоти тўққиз ой ичида қуйидагича кўпайди. Электр энергия ва иссиқлик энергияси 11 процент, ёқилғи саноати 7 процент, қора ва рангли металлургия 8 процент, химия саноати 14 процент, машинасозлик ва металл ишлаш 9 процент, ўрмон, ёғочсозлик ва қоғоз саноати 5 процент, бинокорлик материаллари саноати 9 процент, енгил саноат ва озиқ-овқ

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам юксак уюшқоқлик билан ишлаб, пахта тайёрлаш суръатини сусайтирмайлик, мажбуриятни ҳам тезроқ бажариш учун курашайлик!

СУШИЛКАНГИЗ ТАЙЁРМИ?

Куз ҳавосига ишониб бўлмайди. Бугун ҳаво чарақлаб очилиб туради. Кенга бориб шамол туради, осмонга булут чиқади, сал ўтмай ёмғир қуяди. Хирмонга ёйиб қўйган, чаноқларда нумуш-дек товланиб турган пахта нам бўлади. Эртага қуёш тафтида қуритамиз, деб ўтиришга вақт йўқ, фурсат жуда ҳам зиқ. Мана шундай пайтда сушилка қўл келади.

Хўш, сушилкаларингиз тайёрми? Бу саволга ҳар ним ҳар хил жавоб беради. Биров «ҳа, тайёр» дейди дадил, бошқа биров эса «энди мен сизга айтсам...» деб дудмал гап айтади. Мана шу кейинги киши ёмғир ёққан куни эртасига газетада босилиб чиққан маълумотга тикилиб ўтириб «ия, шарманда бўлибмиз-ку» деб пешонасига уради. Негаки, унинг колхози сушилкаси ишлаган колхозга нисбатан анча кам, ё 0,3, ёки 0,01 процент миқдорида пахта топширган бўлади.

Яқинда Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозда бўлганимизда у ердаги ўртоқлар Шўралисой пахта тайёр пунктидаги иккита каттта сушилка ҳалигача ишга туширимаяпти, шуни ҳаранатга келтиришганида жуда соз бўлардида деб қолишди. Қизиқ, сушилка йўқ эмас, бор. Бўлганда ҳам сутнасига 100-200 тоннадан пахта қурита оладигани. Нега уни ишга туширишмайди. Ана шунинси ажаблананарли-да!

Мана шу райондаги Охунбобоев номли, Карл Маркс номли, Энгельс номли колхозларда ҳам ва бу колхозлар пахта топширадиган пунктларда ҳам сушилкалар тайёр эмас. Бу хўжаликларнинг хирмонларида кўплаб пахта бўлишига қарамай ёмғир ёғиб ўтган кунлари жуда оз миқдорда пахта топширилаётир.

Сушилкалар қониқарсиз ишлаётганлиги ҳақидаги фактни Бекобод район хўжаликларида ҳам кўриш мумкин. Йиғим-теримнинг дастлабки кунларида бирмунча юқори ўринда келаётган бу район хозирги пайтда пастдан биринчи бўлиб олди. Бунинг асосий сабаби йиғим-терим ишлари аввалги пайтлардагига қараганда сусайтириб юборилганида бўлса, иккинчидан сушилка хўжалиги яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли озгина ёмғир ёққан кунларда юзлаб тонна пахта қурн. тиш имконияти бўлмагани сабаб. ли хирмонларда қолиб кетаётир.

Ишни куз ҳавосининг иннқиқликларини ҳисобга олган ҳолда уддабуронлик билан пухта ташкил этиш керак. Район партия, совет ташкилотлари, хўжалик. ларнинг раҳбарлари сушилкаларни тезроқ тахт қилиш, уларни не. ча-кундуз нормал ишлашини таъ. миклаш учун лозим бўлган ҳамма чораларни кўришлари зарур.

Сушилкангиз тайёрми, деган саволга «ҳа, тайёр» деб жавоб берайлик!

Ҳ. Ўктамова Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз аъзолари ўртасида ишчанлиги билан танилган. У терим бошлангандан берн пешкадамликни қўлдан бермай келмоқда. Суратда: ўртоқ Ҳ. Ўктамова.

БАЙРОҚДОР САБЗАВОТЧИЛАР

Область партия комитети ва область ижроия комитети октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти ва картошка ҳосилини йиғиштириб олиш ҳамда давлатга сотишнинг якунларини кўриб чиқиб, область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини БЎКА РАЙОНИДА (район партия комитетининг секретари РАЖАБОВ, район ижроия комитетининг раиси ҚОДИРОВ, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи СОДИҚОВ, район комсомол комитетининг секретари ЖЎРАЕВ ўртоқлар) қолдиришга қарор қилди. Бу район октябрнинг биринчи ўн кунлигида давлатга сабзавот сотишда 30,7, полиз экинлари маҳсулоти сотишда 2,2 процент ўсишга эришиб, сабзавот сотиш йиллик планини 100,5 процент, картошка сотиш планини 28,9 процент, полиз экинлари маҳсулоти сотишни 104,2 процент бажарган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Ўрта Чирчиқ районидаги «ОЛМАЛИК» СОВХОЗИГА (директори РАҲИМОВ, партия ташкилотининг секретари ДАВРОНОВ, ишчилар комитетининг раиси ХАМРОЕВ ўртоқлар) берилди. Бу совхоз сўнгги ўн кунликда сабзавот йиғиштириб олиш ва давлатга сотишда 18,5 процент ўсишга эришиб, йиллик планни 89,7 процент, картошка топширишни 13,3 процент, полиз экинлари маҳсулоти топширишни 57,4 процент бажарган.

Байроқ Калинин районидаги «Тошкент» совхозидан олиб берилади.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Юқори Чирчиқ районидаги «ПОЛИТОТДЕЛ» КОЛХОЗИГА (раиси ХВАН МАН ГИМ, партия ташкилотининг секретари ПАК ДЕН ЕН ўртоқлар) берилди. Бу колхоз сабзавотни йиғиштириб олиш ва давлатга сотишда 94,2 процент, полиз экинлари маҳсулоти сотишда 8,3 процент ўсишга эришиб, сабзавот сотиш йиллик планини 143,4 процент, полиз экинлари сотишни 8,3 процент бажарган.

Байроқ Оржоникидзе районидаги «Қизил ту» колхозидан олиб берилади.

«ЛЕНИНГРАД»ДАН ХУШХАБАР

Оржоникидзе районидаги «Ленинград» колхозининг сабзавотчилари катта ғалабани қўлга киритдилар. 2560 ўрнига 3379 тонна сабзавот экинлари маҳсулоти сотиб йиллик планни 132 процент адо этдилар. Полиз экинларидан мўл ҳосил етиштиришда ҳам катта кўрсаткичларга эришилди. Бу соҳадаги план 118,2 процент бажарилди. Мева сотиш плани эса қариб 600 процент адо этилди.

Шунингдек давлатга гўшт, сут сотиш йиллик планлари ҳам ошириб адо этилди.

Колхозчилар қишлоқ хўжалик экинларини жадал суръатлар билан йиғиштириб олмоқдалар.

ЯНА 800 ТОННА УЧУН

2-«Оққўрғон» совхози бундан уч йил илгари колоқ хўжаликлар қаторида эди. Хўжалигимиз кейинги йилларда каддини ростлаб олмоқда. Ҳосилдорликдан совхоз ишчи-хизматчиларининг моддий манфаатдор бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалигини тубдан ривожлантиришга қаратилган март Пленуми қарорлари ишчиларни, мутахассисларни ижодий меҳнатга руҳлантириб юборди. Шунинг учун ҳам бу йил совхоз далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Коллективимиз йиллик пахта тайёрлаш планини шараф билан бажарди. 3990 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 23,6 центнердан ошириб ҳосил йиғиб олинди.

Етиштирилган ҳосилни жадал йиғиб-териб олишда В. Аламенко бошлиқ тўртинчи, С. Бухоров бошлиқ биринчи, А. Алижонов бошлиқ олтинчи ва И. Абдусаматов бошлиқ иккинчи бўлим ишчилари пешқадамликни қўлдан бермадилар.

Ўртоқ Адаменко бошлиқ бўлим ишчилари ҳар гектар ердан 26,5, ўртоқ С. Бухаров бошлиқ бўлим ишчилари 26,3 центнердан ҳосил йиғиб олишга эришдилар.

Хўжалигимизда пахтадан юқори ҳосил етиштиришда ва уни жадал териб олишда механизаторлар жуда катта роль ўйнадилар. Бу йил далаларда механизаторлар бошлиқ 73 та звено ишлади. Улар мавжуд техникадан унумли фойдаланишга катта эътибор бердилар. Илгор звено бошлиқлари ўз ерларида юқори ҳосил етиштирдилар. Элчибой Отақўзиев, Ҳамза Мамедовлар бошлиқ звеноларр 30—35 центнердан ҳосил кўтардилар.

105 гектар пахта майдонига эга бўлган Ашир Шодиев бошлиқ, 125 гектар пахта майдонига эга бўлган Зиёвуддин Толипов бошлиқ бригадаларда ҳам ҳосилдорлик 30 центнерданга етди.

Етиштирилган ҳосилни машиналар билан териб олишда пешқадам механизаторларимиз ажойиб намуна кўрсатдилар. Биз йил бошида 6000 тонна пахтани машина билан териб олишга қарор қилган эдик. Хозиргача машиналар билан 5100 тонна пахта терилди. Бу умумий ҳосилнинг 65 процентини ташкил этади.

142 тонна пахта терган Виктор Расулов, 160 тонна пахта терган Илья Хван, 100—120 тонна пахта терган Собир Умеров, Аловуддин Файзуллаев, Малик Раҳимов, Забир Абдукаримов сингари моҳир механик-ҳайдовчиларимиз билан фахрланамиз.

Биз хозирги имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб яна 800 тонна пахта топшириш ҳақида қўшимча мажбурият олдик.

Пахта йиғим-терими даврида совхоз коллективига астойдил ёрдам берган ишчилар билан ёнма-ён туриб пахта терган область педагогика билим юрти коллективидан биз беҳад миннатдормиз.

Совхозда йиғим-терим давом этаяпти. Ерга тўкилган пахталарни териб олишда янги техника воситаларидан фойдаланиляпти. Бизда 12 та шундай машина ишламоқда.

Шонли партиямизнинг XXIII съезди шарафига бошланиб кетган умумхалқ мусобақасига қўшилган совхоз ишчилари меҳнат вахтасида туриб, ўз зиммаларига олган қўшимча мажбуриятни бажариш, келгуси йил мул ҳосилига пухта замин яратиш учун астойдил ишламоқда.

Б. АРАКЕЛЯН,
2-«Оққўрғон» совхозининг директори.

БИЗНИНГ АҲДИМИЗ

Колхозимиз аъзолари кўпчиликдан кейинда қолмаслик учун фидокорона меҳнат қилиб 15 октябрда катта ютуқни қўлга киритдилар. 1100 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 26 центнердан ҳосил олиб жами 2860 тонна юқори сифатли пахта сотдилар. Ўтган йили план 63 кунда бажарилган эди. Илгорларга тенглашиш учун курашаётган колхозчиларимиз бу йил планни 40 кунда бажардилар. Сотилган пахтанинг 90 процентн биринчи сортга қабул қилинди. Пландаги ҳосилнинг 55 процентн машиналарда терилди. Пахтанинг таннархи анча арзонлашди.

Биз бу ғалаба учун курашда қатнашган теримчилар, шоферлар, тарбиячилар, ошпазлар, ишқилиб ишимизга мадад берган ҳамма кишилардан беҳад миннатдормиз. Айниқса, янгилик тарғиботчилари, машиналарнинг кучқудратини тўла намойиш қилаётган механизаторларимиздан, сув танқис бўлган бу йилги шароитда манглай тери тўкиб фидокорона ишлаган сувчиларимиздан, юқори ҳосил етиштириш учун ҳамма тадбирларни амалга оширган меҳнатсевар кишиларимиздан беҳад миннатдормиз. Улар КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларини дилларига жо қилиб ғалаба, фақат ғалаба учун курашдилар. Шунинг учун ҳам Марка Жакаков, Сулаймон Шохов, Пардали Қўшаев, Сотиболди Қўшов, Осмон Шахов, Амир Қўшақов, Эндибой Кумисбеков, Турғун Насриддинов, Тошпўлат Абдураззоқов сингари ўртоқлар бошлиқ звено аъзолари 50—60 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28—30 центнердан ҳосил етиштирдилар ва машинада пахта теришда катта ютуқни қўлга киритдилар.

Рақси Саидалиев, Муҳаммад Исломов, Қўзибой Ражабов, Эркабой Жақаев, Турсунбой Эрматов, Ғани Саидқўбов ўртоқлар бошлиқ участкаларда ҳосилдорлик 27—30 центнерга етди.

Биз колхозимизнинг кўпгина илгор кишиларининг номларини тилга олдик. Лекин бу йилги сув танқислиги шароитида жонбозлик кўрсатган Баҳодир Раҳмонов, Усмон Бозоров, Санжар Парманов, Абдивоит Абдуллаев, Султонбой Раҳмонов, Муллабой Усенов, Тожиқул Мирзақулов сингари ажойиб сувчиларимизнинг азиз номларини ҳам ҳурмат билан айтиб ўтмоқчимиз.

Колхозимизда план тўлди. Партиямизнинг XXIII съезди шарафига бошланиб кетган умумхалқ мусобақасига қўшилган колхозчиларимиз яна 300 тонна пахта териб топшириш, хўжалигимизда ҳосилдорликни 28 центнердан ошириш, келгуси йил мўл ҳосилга пухта замин тайёрлаш учун курашмоқдалар.

М. НУРИДДИНОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз раиси.

Т. МИРБОБОЕВ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.

СОВХОЗ РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАРИ

Лубкорларнинг иши осон эмас. Бу соҳадаги ишларнинг кўп қисми қўл билан бажарилмоқда. Қўлланилаётган мавжуд машиналар иқтисодий жиҳатдан фойда келтираётгани йўқ, деса бўлади. Унга сарфланаётган харажат қўл меҳнатидан қимматга тушяпти. Масалан, кўк каноп поясининг қобиғини шилиб олишда ишлатиладиган НП-9 машинаси лубкорларнинг оғирини енгил қилолмаяпти. Бу машинада 30 киши ишлаб, бир кунда 5—8 тонна каноп қобиғи ажратади.

Лубкор хўжаликлар худди шу сабабли йиғим-терим даврида четдан жуда кўп ишчи кучлари жалб қилишга, уларга ошиқча ҳақ тўлашга мажбур бўлмоқдалар. Олимлар, конструкторлар ҳали луб қобиғини ажратиб берадиган, бу соҳадаги оғир меҳнатни енгиллаштирадиган машина яратиб берганларича йўқ.

Оққўрғондаги «Коммунизм» совхози механизатор-рационализаторлари шу соҳада ажойиб иш қилдилар. Совхоз бош инженери ўртоқ Наримон Гариев бошлиқ механизаторлар каноп қобиғини ажратадиган НП—9 машинасига ТМГ машинасини қўшиб қайта ишладилар. Бу иш жуда яхши натижа берди. НП—9 машинасида 25—30 киши ишласа бу машинада бор-йўғи 7 киши ишлайди. Меҳнат унуми эса баббаравар. НП—9 машинасига ўриб солинган каноннинг қобиғини одамлар қўлда зўр куч билан тортиб оларди. «Коммунизм» совхозининг механизаторлари яратган машинада эса каноп қобиғини қўл билан тортиб олинмайди. Машинанинг ўзи бемашаққат чиқариб бераверади. Хозиргача Оққўрғон районидаги «Коммунизм» совхози рационализаторлари шундай машинадан 2 та тайёрладилар. Уларни далада ишлатиш яхши натижалар бермоқда.

Қишлоқ рационализаторларининг бу ишлари диққатга сазовор. Олимлар, конструкторлар бунга жиддий эътибор берсалар арзийди. Лубкорларнинг ишини енгиллаштиришга, луб кобиғини шилиб олишга кетадиган сарф харажатларни камайтиришга каратилган бу ҳаранатни қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам бериш лозим.

Б. ХАЛИЛОВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 18 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Шу жумладан бир кунда машина терими	Мавсум бошидан бери
ОРЖОНИКИДЗЕ	—	119,21	—	116,10
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,06	109,84	0,09	111,39
ОҚҚЎРҒОН	—	109,81	—	129,55
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	—	108,66	—	121,00
БЎКА	0,01	105,31	—	112,11
КАЛИНИН	—	105,18	—	70,08
Янгийўл	0,01	96,98	—	85,27
Бекобод	0,28	91,53	0,11	93,51
ОБЛАСТЬ БЎЙИЧА	0,05	104,61	0,03	108,23

* * *

Республикамиз областларида 18 октябргача бўлган маълумот. (Планга нисбатан процент ҳисобида). Биринчиси — мавсум бошидан бери, иккинчиси — машина терими.

Хоразм — 95,66, 69,67; Қашқадарё — 92,75, 36,89; Самарқанд — 92,17, 68,22; Сурхондарё — 92,14, 91,53; Фарғона — 89,58, 86,10; Бухоро — 86,96, 27,34; Андижон — 83,76, 72,02; Қорақалпоғистон АССР — 82,53, 60,24; Сирдарё — 79,04, 99,74.

Республика бўйича бир кунда — 1,17, мавсум бошидан бери — 88,81, машина терими — 79,31 процент бажарилди.



Янгийўл районидаги «Москва» колхозининг ўртоқ М. Умаралиев бошлиқ комплекс механизациялашган звеносида план бажарилгандан кейин ҳам иш бўшаштирилгани йўқ. Кунига йиллик планнинг бир ярим-икки процентн миқдорида «оқ олтин» топшириляпти. Суратда: илғор звеноннинг бошлиғи, моҳир механик-ҳайдовчи ўртоқ М. Умаралиев.

А. АБАЛЯН
фотолари.

ПРОПАГАНДИСТЛАР МАҲОРАТЛАРИНИ ОШИРМОҚДАЛАР

Ўзбекистон Компартия си Марказий Комитетида пропагандистлар республика курсларининг машғулотлари бир ҳафта давом этди. КПСС тарихи, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм, марксча-ленинча философия назарий семинарлари раҳбарларидан бир минг киши бу машғулотларда ўзларининг назария ва методика соҳасидаги билимларини оширдилар. Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида саккиз потокда олиб борилди.

Курсларда КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг якунлари тўғрисида, марксча-ленинча назариянинг актуал проблемалари ҳақида, назарий семинарлар профили билан боғлиқ бўлган темаларда, шунингдек, методика масалалари юзасидан лекциялар ўқилди. Пропагандистлар коммунистларнинг бу йилги партиявий ўқувининг асосий вазифалари ва хусусиятлари билан таништилар.

КПСС тарихи назарий семинарларининг раҳбарлари ўз билимини оширган потокларда машғулотлар социалистик революциянинг ленинча назарияси, коммунистик қурилиш назарияси ва практикаси масалаларини, миллий масала юзасидан ленинча программа, партия ҳаётининг ленинча нормалари ва партия раҳбарлиги принципларини чуқур ўрганишга бағишланди.

Марксча-ленинча философия семинарларининг пропагандистлари учун материалистик диалектиканинг категориялари тўғрисида, диалектик материализмнинг билиш назарияси, ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг тараққиётидаги қонуниятлар тўғрисида, ижтимоий онг ва унинг формалари ҳақида, шунингдек, бошқа темаларда лекциялар ўқилди.

Сиёсий иқтисод семинарларининг раҳбарлари иқтисодий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самараларини ошириш, корхоналарни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш ва хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш проблемалари ҳақида, социализм даврида товар-пул муносабатлари ҳамда қиймат қонуни тўғрисида, жаҳон социалистик системасининг экономикаси ҳақида, шунингдек, бошқа бир қанча масалалар юзасидан лекция тингладилар.

Илмий коммунизм семинарларининг пропагандистлари учун ўқилган лекциялар тематикасида коммунистик ва ишчи партияларнинг стратегияси ва тактикаси, миллий озодлик ҳаракати масалалари, коммунизм қурилиши жараёнида миллатларнинг равнақ топиши ва бир-бирлари билан яқинлашуви, социализмнинг жаҳон тараққиётининг ҳаёт қилувчи омилига айланишига доир масалалари бор эди.

Барча потокларда асосий темалар юзасидан семинарлар ўтказилди. Махсус машғулотлар пропагандистларнинг методика соҳасидаги тайёргарлиги, нутқ маданияти, нотиқлик санъати масалаларига бағишланди.

Пропагандистларнинг семинарларида профессорлардан О. М. Аминов, А. Х. Азатьян, М. Г. Ваҳобов, А. И. Завелев, Н. М. Мирошхина, В. Я. Непомнин, Н. С. Сапильников, Ҳ. Т. Турсунов, Д. Д. Эрлих ва Тошкентнинг бошқа олимлари лекция ўқидилар.

16 октябрда , курсларнинг якунловчи машғулотлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида ўтказилди. Ўзбекистон ССР Госпланининг раиси С. К. Зиёдуллаев Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини ривожлантириш истиқболлари тўғрисида лекция ўқиди. КПСС Марказий Комитетининг бўлим консультанти О. Т. Богомолов социализм мамлакатлари экономикасини ривожлантириш проблемалари тўғрисида лекция ўқиди.

Ўзбекистон Компартия си Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорлари муносабати билан идеология иши соҳасидаги вазифалар тўғрисида доклад қилди.

(ЎзТАГ).

ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАНГ

Ўзбекистон Компартия си Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг партия-давлат контроли комитети 16 октябрда Тошкентда республика кенгаш-семинарини ўтказди. Халқ хўжалигида электр ва иссиқлик энергиясини тежаб сарфлаш проблемалари шу кенгашнинг диққат марказида турди. Кенгаш семинарнинг ишида область ва шаҳар, шунингдек, Тошкент район партия-давлат контроли комитетларининг раислари, республика Энергетика ва электрлаштириш министрлиги системасининг ходимлари қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР қурилиш, энергетика ва электрлаштириш, коммунал хўжалик министрликлари ва республика Госпланининг вакиллари ахборот бердилар.

Ўзбекистон Компартия си Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети партия-давлат контроли комитети раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов ўз нутқида СССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг электр ва иссиқлик энергияси ҳамда ёқилғини тежаш тўғрисидаги қарорлари қандай бажарилаётганлигини оммавий текширишдан ўтказишда партия-давлат контроли комитетларининг вазифалари тўғрисида гапирди. (ЎзТАГ).

ГИГАНТ НУРХОНА

Бекобод ўзининг метали ва цементи билан Иттифоқимизга машҳур. Яқин йиллар ичида у электр қуввати ишлаб чиқариш бўйича жаҳонга танилади. Хозирги кунда Бекобод шаҳридаги саноат комплекси районда катта разведка ишлари олиб борилмоқда. Бу ерда улкан нур булоғи бунёд этиш мўлжалланяпти.

Ҳақиқатан ҳам бўлажак станция жаҳондаги энг йирик ГРЭСлардан биридир, — дейди Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлиги электр тармоқлари перспектив ривожлантириш хизмати группаси раҳбари ўртоқ В. Кербель. Станциянинг лойиҳадаги қуввати 4, 4 миллион киловаттга тенг. У ҳар йили мамлакат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги учун 28,6 миллиард киловаттдан энёд электр энергияси етказиб беришга қодир.

Станция лойиҳаси «Теплоэлектропроект» институтининг Ўрта Осиё филиали инженерлари томонидан чизилган. У Бухородан оқиб келаётган «зангори ёқилғи» билан ишлайди. Хар йили станция эҳтиёжлари учун 6,8 миллиард кубометр газ сарф бўлади. Бундан ташқари 12 та мазут хўжалиги ҳам фойдаланиш учун шай ҳолда туради. Станциядаги барча операциялар телемеханика ва автоматика воситалари билан бошқарилади. Бунинг натижасида ҳар киловатт электр энергиясининг таннархи жуда ҳам арзонлашиб 0,34 тийинни ташкил этади.

Лойиҳачилар турбинани совутиб турувчи сувни ҳам ўнғай йўл билан топишган. Фарҳод ГЭСида истеъмолдан чиққан сув канал бўйлаб ГРЭС томон оқиб келаверади. Бунга ҳеч қандай қўшимча чиқимлар керак эмас.

Станция учун керакли бўлган барча хил механизмлар Иттифоқимиздаги саноат корхоналари томонидан тайёрлаб берилади. Кейинчалик станция территориясида ремонт-механика заводи қад кўтаради. Станция ускуналари керак пайтда шу ернинг ўзида ремонтдан чиқарилаверади. Лойиҳада кўрсатилишича ҳар бири 300 ва 800 минг киловатт қувватга эга бўлган 8 та энергоблок мингга яқин фойдаланувчи назоратида бўлади.

ГРЭС атрофи кенг кўкаламзор боққа айланади. Тураржойлар, савдо маркази, маданият уйи, музика мактаби, кафе, ресторан ва бошқа маданий-маиший бинолар энергетиклар посёлкаси ҳусн-жамолини очиб туради. Шуларгина эмас, бу ерда яна энергетика техникуми ҳам қад кўтаради. Шундай қилиб бўлажак энергетиклар посёлкаси замонавий шаҳарчага айланиб қолади.

Хозиргача кўпгина тайёрлов ишлари тугаллаб қўйилди. Тянь-Шань тоғлари этагида жаҳонда энг йирик электростанциялардан ҳисобланган Бекобод ГРЭСи қуришга тўла қарор қилинди. Қурилиш ишларини олиб бориш «Ўзбекгидроэнергострой» трести бинокорлари зиммасига юклатилди. Улар келаси йилдан бошлаб станция қурилишига қўл урадилар.

Дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича ГРЭСнинг 300 минг киловатт-соатли энергоблоки 1969 йилда ток берабошлайди. Станция қурилиши эса 1978 йилда тўла-тўкис тугалланади. Областимиз катта нур манбаига айланади.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОҚЕАЛАР

ОЛАМ ЎТГАН ҲАФТА ИЧИДА

ФИТНА ОПЕРАЦИЯСИ

Япония ҳукумати парламентнинг ҳозирги сессиясини очишга бамисоли бош ҳужумга ҳозирлангандек ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрди. Мана шу эллигинчи сессия гарчи навбатдан ташқари чақирилаётган бўлса-да, лекин барибир юбилей сессияси бўлганлиги учун эмас, балки Япония-Жанубий Корея битимларини сессияда ратификация қилдириб олиш ниятида ҳукумат ана шундай пухта ҳозирлик кўрди.

Социалистлар партияси билан бошқа бир қанча оппозициячи партиялар бу битимларга қарши чиқмоқда. Барча демократик ва прогрессив кучлар оппозицияни қўллаб-қувватламоқда. Япон и яда оммавий митинглар ва намойишлар бўлиб ўтмоқда, шу ишнинг баҳридан ўтишни ҳукуматдан талаб қилувчи аризага миллионмиллион японлар имзо чекмоқда.

Ҳозирги шароитда бундай битимларни тузиш оқибатлари нима бўлишидан хавотирланиш учун японларнинг кескин асослари бор. Бу гап, аввало, «Асосий шартнома»га тааллуқлидир. (Шу шартномадан ташқари балиқ овлаш тўғрисидаги, Жанубий Корея ва Япония гражданларининг юридик статути ҳақидаги, мулкий даъволар ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳамда маданият соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги тўртта битим ҳам парламент муҳокамасига қўйилган). Очиқдан-очиқ Вашингтоннинг гапи билан тузилган «Асосий шартнома» Америка найзалари ёрдами билан ҳокимият тепасида сақланиб турган Сеулдаги қўғирчоқларни «қонуний ҳукумат» деб танишга мутлақо ғайри қонуний равишда ҳаришдан бўлак нарса эмас. Мана шу сурбетлик билан қилинган даъво Сеул маъмурлари ва уларнинг америкалик хўжайинлари кистови билан машъум шартноманинг 3-моддасига ёзиб қўйилган. Бинобарин, бу ҳужжат Кореянинг парчаланишини чуқурлаштириш га объектив равишда қаратилган бўлиб, корейс халқининг миллий бирлигини тиклаш йўлига қўшимча ғовлар солиб қўяди. Шундай бўлгач, шартнома ана шу районда аҳволни стабиллаштиришга халақит беради ва Японияннинг сиёсатини АҚШнинг ҳарбий стратегик планларига маҳкам боғлаб қўяди. Бу ҳол ўтган уруш даҳшатлари ҳали ёдидан кўтарилмаган японларни ҳаяжонлантирмаслиги мумкин эмас.

Бош министр Эйсаку Сато ҳам, ташқи ишлар министри Эцусабуро Сиина ҳам ўзларининг парламентдаги нутқларида мана шу хавотирликларни йўқота олмадилар. «Иомури» газетаси уларнинг «мана шу шартномани асослаб бериш учун одамларни ишонтиришга кучи етмади» деб ёзади. «Корея ярим ороли, — деб таъкидлайди газета, — ҳозир шимолий ва жанубий қисмларга бўлиниб қолган, бинобарин, оролнинг бир қисми танилгач, унинг иккинчи қисми билан муносабатлардаги кескинлик муқаррар суратда зўрайиб кетади. деб ҳамма ҳам хавотирланмоқда. Бу безовталик, ҳатто шартномани ратификация қилишни қўллаб-қувватлаётган кишиларнинг юракларига ҳам чуқур ўрнашиб қолган».

Бошқа битимлар ҳам японларда ташвиш тугдирмоқда. Бу битимлар Такэсима оролининг кимга қарашли эканлиги тўғрисидаги масалада Япония билан Жанубий Корея ўртасида сақланиб келаётган ихтилофларни бир ёқли қилмайди. Япон денгизида Японияннинг балиқ овлаш учун Жанубий Корея маъмурлари белгилаб қўйган чеклаш чораларини тугатмайди, бошқа жиддий проблемаларни аслича қолдиради.

Кўриниб турибдики, шу қадар жонбозлик билан японларга тиқиштиришга уринилаётган битимлар бутун халқнинг асл манфаатларига даҳлдордир. Мана шунинг учун ҳам эннинг қаҳр-газаби шу қадар кучайиб кетмоқда. Мана шунинг учун ҳам бу шартномаларга қарши кураш парламент биносидан ташқарига чиқиб, Япония шаҳарларининг кўчаларини мавжлантириб юборди.

Ҳукумат халқ газабининг кучини яхши билади. Бир неча йил муқаддам, Қўшма Штатлар билан «Хавфсизлик тўғрисида» тузилган асоратли шартномани худди шундай усул билан парламентдан ўтказиб олишга уринганларида, дарғазаб намойишчилар оломони ўша пайтдаги бош министри Кисининг дилини сиёҳ қилган эди. Намойишчилар аслида уни парламентга киритмай қўйган эдилар. Шу «сабоқ»ни ҳисобга олиб, ҳукуматдаги кишилар бош министр резиденциясидан парламент биносига чиқиш учун ер тагида махсус тоннель қуриш тўғрисида жиддий гап юрита бошладилар. Бош министрни вертолетда олиб келишни ҳам ўйлаб кўрдилар. Тоннель қуришнинг мураккаблиги, вертолетнинг дарғазаб оломон орасига қулаб тушиши мумкинлиги учун ҳозирча бу планлардан воз кечиб турибдилар. Лекин шундай бўлса ҳам, ҳукумат тегишли чоралар кўриб қўйди. Бош министр резиденциясидаги олдинги эшиклар маҳкамлаб қўйилди. Резиденция ва парламент атрофида полициянинг бронеавтомобиллари учуч махсус майдончалар барпо этилди. Намойишчилар тош ва таёқ топиб оладиган хиёбонлар бутунлай асфальтлаб ташланди. Япония газеталарининг фикрича, Япония-Жанубий Корея битимлари ҳукуматнинг парламентдан тасдиқлатиб олишга улгурадиган сўнгги ҳужжати бўлиб қолиши мумкин. Халқ ҳукуматга ишонч билдиришдан бош тортажак.

УРУГВАЙ ТУЛҚИНИ

Латин Америкасидаги кичкинагина Уругвай республикасини катта социал тўлқинлар ларзага келтирмоқда. Мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этилди. Конституциядаги гарантиялар бекор қилинди; намойиш ва митинглар тақиқлаб қўйилди; забастовкалар ва «пропаганда характеридаги» бошқа оммавий ҳаракатлар ўтказилаётгани ҳақидаги хабарларни эълон қилсангиз, ёпиб қўямиз, деган даҳдаҳа билан газеталарга, радио ва телевидениега шундай хабарларни эълон қилмаслик ҳақида буйруқ берилди. пойтахтга 20 минг солдат ва полициячи тўплаб қўйилди. Пойтахт полициясининг бошлиғи полковник Вентура Родригес газетачиларга бундай деди: «Биз аёвсиз, аёвсиз, аёвсиз ҳаракат қила берамиз...». Яқинда Майамига бориб, АҚШ давлат департаменти уюштирган полиция бошлиқлари кенгашида қатнашиб келган Родригес ҳақиқатан ҳам қаттиққўллик билан ҳаракат қилмоқда. Монтевидеодаги давлатга қарашли барча муассасаларнинг олдида кеча-кундуз соқчилар навбатчилик қилмоқда, ўт ўчирувчиларнинг машиналари ва полициянинг кўздан ёш оқизувчи газли гранаталар билан лиқ тўлган жип машиналари шай бўлиб турибди. Шаҳарда «исёнчи»ларнинг изига тушган агентлар изғиб юрибди. Ҳозиргача 200 дан кўпроқ киши қамоққа ташланди. Улар асосан касаба союз активларидир, чунки айни касаба союзлари билан ҳукумат ўртасида кучайиб кетган жанжал ҳозирги хатарли аҳволга негиз бўлди.

Уругвай миллий ҳукумат кенгашининг раиси Вашингтон Бельтран ҳукуматни «фавқулодда чоралар» кўришга мажбур қилган сабабларни тушунтириб бериш учун телевидение орқали гапирган нутқида касаба союзларини «республика негизларини онгли ва изчил равишда емирмоқда», деб айблади. Касаба союзлари ўз навбатида, ҳукуматни меҳнаткашларнинг аҳволига бефарқ қараяпти, деб айбламоқда.

Ҳукумат кўрган фавқулодда чоралар асло унинг ўзи кутганчалик натижа бергани йўқ. Ҳатто, бўржуа газеталари ҳам бундан буён ҳаддан ташқари кескин чоралар кўриш керак эмас, деб огоҳлантирди. Бироқ, маъмурлар қуюшқондан чиқиб, яна бир қанча репрессия чораларини кўрди. Қамоққа олишлар кучайиб кетди. Полиция бир қанча касаба союзларининг биноларини босиб олди. Миллий байрамлар бекор қилинди.

Аммо, Уругвай меҳнаткашлари репрессиялардан қўрққанлари йўқ. Пойтахтда ва бошқа шаҳарларда кетма-кет митинглар ва намойишлар ўта бошлади. Кўпгина корхоналарда қисқа муддатли забастовкалар эълон қилинди. Банк хизматчилари ишни тўхтатиб қўйди. Касаба союзларининг қарори билан 13 октябрда 24 соатлик ялпи забастовка бошланди. Забастовка натижасида темир йўл ва шаҳар транспорти таққа тўхтади, кўпгина муассасалар ёпилди, газеталар чиқмади, газ ва электр бериш камайиб қолди. Қаттиқ курашда қўлга киритилган конституцион ҳуқуқларга тажовуз қилган ҳукуматга халқ ана шундай жавоб берди. Забастовка муваффақиятли ўтди. Давлат муассасаларининг 60 минг хизматчиси 72 соатли забастовка эълон қилмоқчи эканлигини билдирди.

Матбуот Уругвайдаги вазиятни анализ қилиб, ҳозирги тангликнинг сабаблари фақат экономикага боғлиқ эмас, шу билан бирга, ҳукумат касаба союзларининг жанговар руҳини синдирмоқчи бўлаётганлигига ҳам боғлиқдир, деб таъкидламоқда. Уругвайга бундай сиёсатни Шимолий Америка империалистлари тиқиштирди, деб ёзади «Популар» газетаси. Шимолий Америка империалистлари ҳозир иложи бўлган ҳамма жойда ва, даставвал, Латин Америкаси мамлакатларида антикоммунистик васвасани авжига чиқармоқда. Улар фақат революцион ҳаракатнигина эмас, балки меҳнаткашларнинг ҳар қандай демократик ёки касаба союз ҳаракатини ҳам бўғиб ташлашда фойдаланиш учун бу қитъада америкааро қуролли кучлар деб аталмиш қуролли кучлар вужудга келтиришга ҳаракат қилмоқда. Уругвайликларнинг жавоби — ана шу кирдикорларга берилган муносиб зарбадир.

К. БЕЛЯЕВ
(ТАСС).

1. НОРВЕГИЯ. Октябрь ойининг бошларида Ослода АҚШнинг Вьетнамдаги агрессив ҳаранатларига қарши намойиш бўлди. Намойиш қатнашчилари «Женева битимига амал қилинсин, Вьетнамда тинчлик ўрнатилсин!» деган шиорлар кўтариб бордилар. Полиция намойиш қатнашчиларини қамоққа олди.

2. ПУЭРТО-РИКО. Сан-Хуано шаҳридаги Колумб майдонида ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташга қарши норозилик намойиши ўтказилди. Митинг Пуэрто-Рико мустақиллиги хотин-қизлар ҳаракати секцияси томонидан уюштирилди. Суратда: намойиш қатнашчиси — ёш қизча «Отамнинг Вьетнамда ҳалок бўлишини истамайман», «Уруш мени етим қилмасин!» сўзлари ёзилган плакатлар кўтариб бормоқда.

«Импарсиаль» — ТАСС фотоси.

3. ГОЛЛАНДИЯнинг Университет шаҳарларида студентлар учун хоналар етишмайди. Олий ўқув юртларида ўқиётган кўпгина ёшлар ўз бошпаналарига эга эмаслар. Борлари ҳам мутлақо талабга жавоб бермайди.

Амстердам студентлари яқинда ғайри-табиий намойиш ўтказишди. Уларнинг баъзилари дарахтларга қалин тахталар қоқиб, стол-стуллар ясашди. Ёнларига эса студентларга хоналар беришни шаҳар халқидан илтимос қилувчи плакатлар ёзиб қўйишди.

АНЕФО — ТАСС фотоси.

АҚШНИНГ 658 САМОЛЁТИ УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ, 16 октябрда Америка авиацияси Куангнинь вилояти атрофида Вьетнам Демократик Республикасининг осмон чегарасини яна бузиб ўтди. Дастлабки маълумотларга қараганда Американинг бир самолёти уриб туширилган ва бошқа кўп самолётларга шикаст етказилган. Америка учувчиси асир қилиб олинди. 1964 йил 5 августдан бери Шимолий Вьетнам тепасида Америкaнинг жами 658 самолёти уриб туширилди.

ИНТЕРВЕНЦИЯЧИЛАРНИНГ ТАЛАФОТЛАРИ

ХАНОЙ. «Озодлик» агентлиги томонидан эълон қилинган маълумотларга қараганда, етти ой ичида шу йил 30 сентябрга қадар Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Американинг 5 мингга яқин солдатини сафдан чиқарганлар.

ЛАОС ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ХАНОЙ. ВИА агентлиги Лаосдан олинган маълумотларга асосланиб хабар беради: Лаоснинг ватанпарвар кучлари 10 октябрда Сам-Неа вилоятида Американинг бир самолётини уриб туширдилар. Ватанпарварлар уриб туширган Америка самолётлари бу билан 162 тага етди.

АККРАДАГИ СЕССИЯДА

АККРА. Африка Бирлиги Ташкилоти министрлар кенгаши сессиясининг навбатдаги мажлисида Жанубий Родезиядаги хатарли вазият муносабати билан кўрилиши зарур бўлган чоралар масаласини муҳокама қилиш давом эттирилди.

ЧОМБЕНИНГ НИЯТИ

ЛОНДОН. Бу ерга Леопольдвилдан келган хабарлардан айтилаётган асосий гап шуки, Чомбе ҳокимият учун курашни давом эттирмоқчи бўлганлигини дангал айтди. Чомбе, мен раҳбарлик қилаётган Конако партияси парламентда янги ҳукуматга ишонч билдирилишига қарши овоз беради, деди. У, ўзининг Леопольдвилда қолмоқчи бўлганлигини ва ўз партиясини яна ҳокимият тепасига чиқариб, ўз ниятида эканлигини уқтириб ўтди.

АДАНДА ҚАМОҚҚА ОЛИШЛАР

ҚОҲИРА. Англиянинг мустамлакачи маъмурлари Аданнинг касаба союз раҳбарларидан 8 кишини қамаб қўйдилар. Улар Арабистон ярим оролн жанубида инглиз мустамлакачиларига қарши кураш олиб бораётган миллий озодлик фронти кўзғолончилари билан ҳамкорлик қилди, деб айбланмоқдалар.

ИРҚЧИЛАРНИНГ МАҲФИЙ ПЛАНЛАРИ

АККРА. Жанубий Родезиянинг ирқчи ҳукумати ўзбошимчалик билан мамлакатни мустақил деб эълон қилиш ниятини амалга оширмоқ учун тузган махфий планни африкалик Зимбабве халқи иттифоқи Африка Бирлиги министрлар кенгашига тақдим этди. СМИТ ҳукуматининг шу планида ҳукуматни қувватлаётган журналистлардан бошқа ҳамма журналистларни, ҳукмрон «Родезия фронти»га аъзо бўлмаган, шунингдек полиция ва армия хизматчилари ишончсизлик кўзи билан қараётган барча таниқли сиёсий арбобларни ушлаб олиб, қамаб қўйиш кўзда тутилади. Шу планга кўра, мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий қилинмоқчи, африкаликлар учун пропускалар системаси, уларни зўрлаб ишга юбориш тартиби жорий қилинмоқчи. Мустақил Замбия чегарасига ҳарбий отряддар, бронетанк қисмлари ва авиацияни юбориш, генерал — губернатор резиденциясини ва бошқа муҳим объектларни армия муҳофазасига олиш кўзда тутилади. Мана шу чораларнинг ҳаммаси мамлакатда озчиликни ташкил этган оқ танли кишилар режими мамлакатни мустақил деб эълон қиладиган кун кечаси амалга оширилиши лозим.

(ТАСС).

ЁШ ТАЛАНТЛАР ДАВРАСИДА

Дов-дарахтлар билан бурканган кўпқаватли қўркам бино бир қараштдаёқ киши эътиборини ўзига тортади. Кенг саҳнли ховлига кирамиз. Бу ернинг файзи яна ҳам ўзгача. Баланд кўтарилган ток сўрилари, чиройли гулзорчалар ҳовлига ажиб зеб бериб турибди. Ҳаммаёқ озода. Мусаффо ҳавосини айтмайсизми, дилга ёқади. Еруғ ва шинам хоналарнинг катта деразаларидан ёқимли соз оҳанглари оқиб келяпти. Кимдир мароқ билан тор чертмоқда. Бошқа биров дилрабо соз оҳангига аста жўр бўляпти...

Бу кўркам бинога республикамизнинг кекса ўқув юртларидан бири Глиэр номидаги музика мактаб-интернати жойлашган. Музика мактаби шу кунларда ўзининг шонли йиллигини нишонламоқда.

1925 йилда ташкил этилган республикамизнинг бу кекса билим юрти катта йўлни босиб ўтди. Билим юрти ўттан 40 йил мобайнида талантли музикачилар тарбиялаб, 30 марта ҳаётга йўлланма берди. Бу даргоҳда тарбия топган собиқ ўқувчиларни театр коллективларида ва жуда кўп бошқа ерларда учратиш мумкин. Уларнинг кўплари музика бўйича ўқитувчи бўлиб ишлашяпти.

Мактаб-интернатда Ўзбекистоннинг турли бурчакларидан келган болалар билим олишяпти. Уларнинг сони ҳозирги вақтда 500 дан кўпроқни ташкил этади. Ўқувчиларнинг ҳаммалари яхши ўқишяпти, музикадан аъло кўрсаткичларга эришишяпти.

Ўқувчилар умумий таълим ва музика назарияси предметлари билан шуғулланишади. Мактабда фортепиано, духовой, ўзбек халқ чолғу асбоблари ва бошқа бўлимлар бор. Машғулотлар икки сменада олиб борилади. Эрта билан бошланғич синфлар дарс ўтади. Иккинчи смена ўқувчилари эса, бу даврда уй вазифаларини бажаришади.

Ўқувчиларнинг кечқурунги вақтлари деярлик мустақил ишларга кетади. Улар умумий таълим предметлари, назария, сольфеджио бўйича дарсларга тайёргарлик кўришади, мутахассислик бўйича машғулот ўтишади. Бундан ташқари болалар хор, симфония ва халқ чолғу-асбоблари оркестрида қатнашишади.

Ёш музикачиларнинг ҳаёти бой ва қизиқарли. Мактаб-интернатда болаларнинг самарали билим олишлари учун барча шароитлар мавжуд. Кўпчилик яхши ва аъло баҳоларда ўқимоқда. Мана, шуларнинг бири 5-синф ўқувчиси Доно Мирзакаримова билан танишайлик. У Оржоникидзе районидаги «Партия XXI съезди» совхозидан ўқишга келган. Скрипкада чалишни ўрганяпти. Жуда талантли қиз. Бу йил у Артекда ўтказилган пионерлар фестивали конкурсида қатнашди. Тошкентликлар фестивалнинг олтин медалини қўлга киритишди. Доно Мирзакаримова эса фестиваль лауреати бўлди.

Самарқандлик 5-синф ўқувчилари Фотма-Зура Йўлдошеваларнинг виолончели д а г и машқлари кишида катта таассурот қолдиради. Қизлар ўзлари ижод қилишади. Уларнинг бир қанча музика ишлари ҳам бор. Айниқса «Йил фасллари», космонавтлар ҳақидаги қўшиқлари алоҳида ажралиб туради.

Музика мактаби талабалари шонли юбилейга яхши тайёргарлик кўрдилар. Ҳар ким бу юбилейга муносиб совға ҳозирлаган. Байрамингиз хушчақчақ ўтсин, ёш созандалар.

Суратда: виолончелист Пўлат Носиров концертмейстер Татьяна Романенко раҳбарлигида машғулот ўтяпти.

В. Кожевников фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

● СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ ●

ФИНАЛ МАТЧЛАР ТОШКЕНТ ВА ОРЖОНИКИДЗЕДА

ВЛКСМ Марказий Комитети таъсис этган «Ўмид» ва «Ёшлик» кубоги учун ўтказилган саралаш мусобақалари тугади. Ҳар иккала турнирда республикамизнинг ёш футболчилари муваффақиятга эришиб, финалда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. «Умид» кубогини биринчи марта қўлга киритган Ўзбекистон ёшлар терма командаси уч йилдан бери қаторасига Ўрта Осиё ва Қозоғистон зонасида ғолиб чиқиб финалда қатнашмоқда.

Яқинда СССР футбол федерацияси «Умид» кубоги финал матчларини Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилди. 23 октябрдан 29 октябргача пойтахтимиздаги «Пахтакор» стадионида Ўзбекистон, Украина, Молдавия ва Ленинград шаҳар терма командалари ўртасида фахрли мукофот учун мусобақалар бўлади. 23 октябрда Ўзбекистон ёшлар терма командаси Ленинград шаҳар футболчилари билан учрашади.

«Ёшлик» кубоги учун эса мусобақалар Оржоникидзе шаҳрида бўлади. Олтита зона ғолиблари 22 октябрдан 3 ноябргача бир даврада мусобақалашадилар.

«БУРЕВЕСТНИК» ГАНДБОЛЧИЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

Ростов-Дон шаҳрида «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти Марказий Совети биринчилиги учун кўл тўпи бўйича ўтказилган мусобақалар тугади. Мусобақада 16 та команда қатнашди. Тошкентнинг гандболчилари турнир давомида атиги бир марта мағлубиятга учрадилар. Улар Краснодар командасига 21:23 ҳисобида ютқаздилар, холос. Ҳамшаҳарларимиз иккинчи ўринни эгаллаб яна битта мастерлик баллига эга бўлдилар. Команда аъзолари бу ютуқ билан спорт мастери нормативини бажардилар.

ЛОНДОНГА ИУЛЛАНМА ОЛИНДИ

СССР футбол терма командаси ўтган дам олиш куни навбатдаги матчни Копенгагенда Дания терма командаси билан ўтказди. Совет футболчилари Лондонга, финал матчларга йўлланма олиш учун ўйинни дуранг қилсалар кифоя эди. Бироқ учрашувни кўтаринки руҳда ўтказган СССР терма командаси 3:1 ҳисобида ғолиб чиқди. Тўпларни С. Метревели, Э. Малафеев, И. Саболар киритди. 27 октябрда Уэльс терма командаси билан бўладиган матч қандай натижа билан тугашидан қатъий назар, совет футболчилари келаси йил Англия пойтахтида ўтказиладиган жаҳон чемпионати матчларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

СССР терма командаси саккизинчи бўлиб бундай ҳуқуққа эришди. Бразилия, Англия, Аргентина, Уругвай, Мексика, Чили ва Венгрия командалари ҳам 16 та кучли командалар сафидан ўрин олишди.

* * *

Мамлакат чемпионати «А» классида бир матч ўйналди. Москванинг «Динамо» командаси ўз майдонида Одессанинг «Черноморец» футболчиларини қабул қилди ва 2:0 ҳисобида галаба қозонди.

* * *

Дам олиш куни «Политотдел» колхоз футболчилари навбатдаги ўйинни ўз майдонларида Ашхоббоднинг «Строитель» командаси билан ўтказдилар. Матч 1:0 ҳисобида мезбонлар фойдасига ҳал бўлди.

1966 ЙИЛ УЧУН ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ га обуна бўлишни *унутманг*

ГАЗЕТАГА ОБУНА «СОЮЗПЕЧАТЬ» НИНГ ҲАММА БЎЛИМЛАРИДА, ПОЧТАЛЬОНЛАР, ФАБРИКА, ЗАВОДЛАР, ҚУРИЛИШЛАР, МУАССАСАЛАР, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, ШУНИНГДЕК КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРДАГИ ЖАМОАТЧИ ВАКИЛЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ОБУНА БАҲОСИ: 12 ОЙГА — 5 СЎМ 28 ТИЙИН, 6 ОЙГА — 2 СЎМ 64 ТИЙИН, 3 ОЙГА — 1 СЎМ 32 ТИЙИН.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

19 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Инглиз тили** (болалар учун), 18.25 — **Энг яхши мактаб**, 19.00 — **Мен-Қоратов** (телефильм), 19.35 — **Рақслар** (Индрани Рахмон ижросида), 20.10 — **Реклама ва эълонлар**.

20.30 — **Эшиттиришлар программаси**.

Рус тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**, 20.50 — КПСС МК сентябрь Пленуми қарорлари — амалга. **Инженернинг олтин медали** («Ташсельмаш» заводидан). 21.15 — **Сўнгги янгиликлар**, 21.25 — **Аида** (фильм-опера).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.05 — **Мактаб ўқувчиси календари**, 18.35 — **Тошкент янгиликлари**, 18.45 — **Энди кетаверсин** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/X да **Русалка**, 20/X да **Оққуш кўли**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/X да **Қутлуғ қон**, 20/X да **Алишер Навоий**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Грузин цирки артистларининг гастроли**.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Қора духоба — «ИСКРА», САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Капитан Нуль — «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (кундуз соат 2 гача).

Голопогоз — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 6 да).

«Ы» операцияси ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 2, кеч 8 9.45 минутда).

Сапёрная майдонининг қайтадан қурилиши муносабати билан,

21 октябрдан 28 октябргача

8, 10-трамвайлар

иккала томонга

ТУҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ ОРҚАЛИ ҚАТНАЙДИ.

Бир томонга сотиб олинган билетлар Сапёрная майдонида пересадка қилгандан кейин йўлни давом эттириш учун ярайди.

Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси.

«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИДА

20 октябрдан 31 октябргача

ХОТИН-ҚИЗ ПАЛЬТОЛАРИ

СОТИШ- ВИСТАВКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Бу пальтоларни Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси ишлаб чиқарган.

Тошкент шаҳридаги

46-АЛОҚА ПРОФТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

алоқа воситаларининг монтажчи-монтёри ихтисосига қўшимча

ўқувчилар ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8—10-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар 16 ёшдан тортиб қабул қилинади ва стипендия билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Глинка кўчаси, 2-уй (2, 3, 9-троллейбус, 24, 51-автобуснинг «Пединститут» остановкаси). Телефон 5-16-93, 5-04-42.

Тошкент область, Калинин районидаги XXI партсъезд номли колхознинг 1-бўлимида турувчи **Азатхон Минаповнинг** Мансур Заладдинович Минаповдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область судида кўрилади.

Тарас Шевченко кўчаси, 36-уйда турувчи **Маргарита Алексеевна Ломакинанинг** Новомосковская кўчаси, 14-уйда, 15-квартирада турувчи Борис Григорьевич Ломакиндан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район халқ судида кўрилади.

Олмазор кўчаси, Киев проезд, 15-уйда турувчи **Хадича Султоновна Мусаевaнинг** Ивлев кўчаси, 114-уйда турувчи Рауф Эргашевич Мусаевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)— Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, Правда Востока кўчаси, 26-уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004. Редактор ўринбосарлари — 25885, 26232. Масъул секретарь — 34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 31936. Партия турмуши, саноат, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 10194. Индекс 64969. Нашр. № 1372.